

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТИЛШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 4/413

Осимова Райхона Адхамжон қизи

Ўзбек тилида баҳонинг аксиологик талқини

5А 220102- Лингвистика (ўзбек тили)
мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун

Магистрлик
Диссертацияси

Илмий раҳбар:

ф.ф.н., Э.Ибрагимова

Фарғона - 2013

Мазкур тадқиқот иши Фарғона Давлат университетида
бажарилган.

Илмий раҳбар:

Э. Ибрагимова
филология фанлари номзоди

Тақризчилар:

О.Бозоров
филология фанлари номзоди

Н. Умарова
филология фанлари номзоди, доцент

Ётакчи илмий муассаса:

Қўқон давлат педагогика
институти

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. “Истиқлол йилларида ўзбек тилининг кўлланиш доираси амалда нихоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув кўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда”¹. Ўзбек тилшунослигида тилнинг турли сатҳларида баҳо ифодаловчи воситаларни аниқлашга бағишланган ишларда а аксиологик баҳо алоҳида лингвистик категория сифатида яхлит ҳолда монографик тадқиқот объекти бўлган эмас. Шу жумладан, ўзбек тили лексикасининг аксиологик тадқиқи ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Бу ҳолат тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг мақсади. Баҳони филологик муаммо сифатида ўрганиш.

Диссертация вазифалари. Баҳонинг мантиқий, фалсафий жиҳатларига таянган ҳолда тилшуносликда аксиологик баҳо масаласини ёритиш; аксиологик баҳо ифодалашнинг лисоний ва нолисоний воситаларини аниқлаш;

Тадқиқот объекти ва предмети. Субъектив ва объектив баҳо муносабати ифодаловчи лексик воситалар тадқиқот объекти сифатида олинди.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Ишда синхрон- тасвирий, дифференциал- семантик, функционал- семантик усулдан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Ишда биринчи марта ўзбек тилида баҳонинг аксиологик хусусиятлари монографик планда тадқиқ этилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Тадқиқот натижалари магистратура йўналишида махсус курслар ўқитишда,

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008, Б-86

филология факультетларида лексикология юзасидан дарслик ва қўлланмалар яратишда хизмат қилади.

Иш тузилиши ва таркиби.Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган ишнинг натижалари.Тадқиқотнинг асосий мазмуни республика илмий тўпламларидаги учта мақолада ўз аксини топган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.Мазкур тадқиқот иши баҳо муносабати юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар сифатида аҳамиятга эга.

Abstract of dissertation for Master's degree

Significance of the study: “During the Independence the Uzbek language is being widely used, scientific researches to improve the peculiarities of the language, scientific and fiction books, textbooks, new dictionaries are being issued and they are making contribution to broadening thoughts of society”². Axiological evaluation as a linguistic category has not been the objective of monographic research in the researches on defining means of evaluation in different spheres of language in Uzbek linguistics.

Purpose of the study: to study evaluation as a philological problem.

Objectives of the dissertation:

- to depict axiological evaluation in linguistics on the basis philosophical and logical aspects of evaluation;
- to define linguistic and non linguistic means of axiological evaluation;

The research area: lexical means expressing relations of subjective and objective evaluations were chosen as an object of the research.

Methods of research: Synchronic, descriptive, differential-semantic, functional-semantic methods were used in the research.

The novelty value of research findings: it is the first time the monographic research of axiological features of evaluation has been investigated.

² I.A. Karimov 2008. The lofty morality is invincible power

Practical significance and application of the research: findings of research are available to teach special courses of master degree, to develop textbooks and manuals on lexicology of philology faculty.

Structure of the research: dissertation consists of introduction, main body, conclusion and references.

Results of the study: the content of the research has been issued in three articles of scientific volumes of the Republic.

Concluding remarks: the research work has the significance of scientific research on relations of evaluation.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	8
------------	---

I БОБ. БАҲО ФИЛОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

1.1. Аксиологик баҳо назарияси ҳақида умумий маълумот.....	13
1.2. Аксиологик баҳо фалсафий категория сифатида.....	17
1.3. Аксиологик баҳо – лингвистик тадқиқот объекти.....	23
Боб бўйича хулосалар.....	32

II БОБ. БАҲОНИНГ ПРЕДМЕТ ВА БЕЛГИ ЁРДАМИДА ИФОДАЛАНИШИ

2.1. Предмет маъносини билдирувчи лексик воситалар.....	34
2.2. Белги маъносини билдирувчи лексик воситалар.....	42
Боб бўйича хулосалар.....	59

III. БОБ. БАҲОНИНГ ҲАРАКАТ ВА ҲОЛАТ ЁРДАМИДА ИФОДАЛАНИШИ

3.1. Ҳаракат маъносини билдирувчи лексик воситалар.....	61
3.2. Ҳолат маъносини билдирувчи лексик воситалар.....	71
3.3. Баҳонинг эстетик функцияси.....	78
Боб бўйича хулосалар.....	83

Умумий хулоса.....	84
Фойдаланилган адабиётлар.	87

Кириш

Тил - ҳар бир миллатнинг мавжудлиги, ҳар бир халқнинг маънавий - маърифий юксалишини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий - маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”³ деб бежизга айтмаган. Тилимизнинг тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида қайғуриш тилшунослик фани зиммасида турган вазифадир.

Бошқа фанлар қатори тилшунослик фанида ҳам системавий тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Шу боис, фанларнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Фанлараро муносабатларни ўрганиш натижасида махсус фанлар олдига қўйилган долзарб муаммоларни ечиш учун катта йўл очилмоқда. Бу ҳол ўзбек тилининг барча сатҳларида чуқур изланишлар олиб боришга катта имкониятлар яратади. Бундан лексик сатҳнинг асосий бирлиги ҳисобланувчи сўз ва унинг маъноси ҳам мустасно эмас.

Ҳозирги кунда когнитив лингвистиканинг умумий муаммоларидан бири ҳисобланган аксиологик муносабатнинг тил сатҳида ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга. Тилшуносликда функционал йўналишнинг ривожланиши, прагматик аспектга мурожаат баҳо феноменининг нафақат ғарб тилшунослигида, балки рус тилшунослида ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллашига туртки бўлди. Инсон нутқи кимга ёки нимага қаратилганлиги, қандай ният билан содир этилганлиги масаласи тилни мантиқий нуқтаи назардан ўрганиш ва баҳо бериш билан чамбарчас боғлиқдир. Илмий адабиётларда “баҳо” тушунчаси, баҳонинг тил табиати ва типлари, баҳо мақомининг лингвистик категориялари масалаларининг ҳажми ва мазмунини ўрганиш анча фаол йўлга қўйилмоқда.

Аксиологик баҳо масаласи фалсафий категория ҳисобланади. Бу масаланинг лингвистик категория сифатида ўрганилиши учун аввало, унинг фалсафа фанидаги кўринишларини ёритиб бериш зарур. Аксиологик баҳонинг ҳам фалсафий, ҳам лингвистик категория сифатида намоён бўлишини исботлаб бериш ҳозирги кунда тилшунослик фани олдида

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., “Маънавият” 2008. 83-б.

турган энг долзарб масалалардан бири саналади. Зеро, тилшунослик фанининг бош мақсади ҳам тил ва нутқ ҳодисаларининг шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатини, ўзига хос томонларини очиб беришдан иборатдир.

Мавзунинг долзарблиги. Бошқа фанлар сингари тилшунослик фанида ҳам системавий тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Аксиологик баҳо муаммоси фалсафий категория саналади. Аксиологик баҳонинг ҳам фалсафий, ҳам лингвистик категория сифатида намоён бўлишини исботлаб бериш ҳозирги кунда тилшунослик фани олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, прагматиканинг марказий тушунчаларидан бири баҳо ҳисобланади. Баҳо фалсафий-мантикий категория саналиб, унинг назарий асосланиши формаал аксиологияда ўз аксини топган⁴. Бу масала тилнинг семантик йўналиши билан алоқадор бўлиб, унда кўпроқ тил ёки нутқ бирликларининг мазмун жиҳатига эътибор қаратилади ва фалсафий қарашлар асосида тадқиқ этилади.

Мазкур масала бўйича чет эл ва рус тилшунослигида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган (В.Н. Телия, Е.М. Вольф, В.И. Аббаев, Н.Д. Арутюнова, В.А. Василенко, М.А. Лукьянова, Т.В. Маркелова, О.В. Сахарова, М. Якубович ва бошқалар.).

Ўзбек тилшунослигида тилнинг турли сатҳларида баҳо ифодаловчи воситаларни аниқлашга бағишланган А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, Р.Қўнғуров, Р.Расулов кабиларнинг ишлари мавжуд бўлса ҳам, лекин уларда аксиологик баҳо алоҳида лингвистик категория сифатида яхлит ҳолда монографик тадқиқот объекти бўлган эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, ушбу муаммо юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди (масалан: Ғ.Қамбаров), лекин уларда аксиологик баҳо ҳақидаги умумий фикрлар берилган бўлиб, унинг ҳар бир сатҳда намоён

⁴ Қамбаров Ғ. С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз. дисс.автореф. –Т., 2008, 3-б.,Б.26.

бўлиши кенг планда ўрганилмаган. Шу жумладан, ўзбек тилида баҳонинг аксиологик талқини ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Бу ҳолат тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот мақсад ва вазифалари

Ишимизда ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйдик:

- баҳони филологик муаммо сифатида ўрганиш;
- баҳонинг мантикий, фалсафий жиҳатларига таянган ҳолда тилшуносликда аксиологик баҳо масаласини ёритиш;
- аксиологик баҳо муносабатининг тил ва нутқ босқичидаги кўринишларини белгилаш;
- лингвопрагматика ва аксиологиянинг ўзаро муносабатини аниқлаш;
- аксиологик баҳо билан боғлиқ қарашларни таҳлил этиш ва унинг моҳиятини тўла акс эттирувчи таърифини ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда ёритиш;
- Баҳонинг эстетик функциясини белгилаш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ишнинг методологик асоси ҳар қандай нарса ва ҳодисанинг доимий ривожланишда эканлигини эътироф этувчи диалектик мантиқдир. Тадқиқот мавзуини ёритишда В.Н. Телия, Е.М. Вольф, В.И. Аббаев, Н.Д. Арутюнова, В.А. Василенко, М.А. Лукьянова, Т.В. Маркелова, О.В. Сахарова, М. Якубович, А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиёв, Р.Расулов ва бошқа тилшунос олимларнинг назарий қарашлари мазкур ишимиз учун назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Ишда тавсифий, систем структур, синхрон-таъсирий, методлардан ўрни билан дифференциал-семантик усулдан ҳам фойдаландик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ишда биринчи марта ўзбек тилида баҳонинг аксиологик хусусиятлари монографик планда тадқиқ этилади. Унда қуйидагилар ишнинг илмий янгилиги сифатида тақдим қилинади:

- Баҳо назарияси ҳақида умумий маълумот берилади.
- Аксиологик тадқиқот филологик муаммо сифатида ўрганилади.
- Баҳо фалсафий ҳамда лингвистик категория объекти сифатида қиёсланади.
- Лингвопрагматика ва аксиологиянинг ўзаро муносабатини аниқланади;
- Аксиологик баҳо ифодалашнинг предмет, белги, миқдор, ҳаракат ҳамда ҳолат маъноларини билдирувчи воситалар очиб берилади.
- Баҳонинг эстетик функцияси ўрганилади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот тилшуносликнинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири бўлган аксиологик баҳо ўзбек тили материаллари асосида атрофлича тадқиқ этилганлиги билан ажралиб туради. Мазкур иш баҳо муносабати юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар сирасига киради, у тилшуносликдаги маълум бир бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради. Тадқиқот натижалари олий ўқув юртларининг, магистратура йўналишида тил қурилиш бирликлари бўйича махсус курслар ўқитишда, филология факультетларида лексикология юзасидан дарслик ва қўлланмалар яратишда материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг режаланиши ва натижаларининг синалиши. Магистрлик иши Фарғона давлат университети тилшунослик кафедрасида бажарилган ва муҳокамадан ўтган. Тадқиқотнинг асосий мазмуни чоп этилган тўрт мақолада ўз ифодасини топган. Диссертация натижалари Фарғона давлат университетида бўлиб ўтган Республика ёш олим ва иқтидорли талабаларнинг “Илм заковатимиз - сенга, Она – Ватан!”

мавзусидаги илмий-амалий анжуманида (2012, 2013 й.), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бўлиб ўтган профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, стажёр-тадқиқотчилар ҳамда мустақил изланувчиларнинг “Замонавий тилшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари” номли илмий-амалий анжуманида (2013), ОАК рўйхатидаги “ФДУ Хабарлар” журнали (2012 йил, 1-сон) да маъруза қилинган ва чоп этилган.

Ишнинг ҳажми. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 86 бет бўлиб, у кириш, уч боб, қисқа ва умумий хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

БАҲО ФИЛОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

1.1.Аксиологик баҳо назарияси ҳақида умумий маълумот

Тил - миллатнинг мавжудлиги, халқнинг маънавий-маърифий юксалишини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Тилимизнинг тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида қайғуриш тилшунослик фани зиммасида турган вазифадир. Бошқа фанлар қатори тилшунослик фанида ҳам системавий тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Шу боис, фанларнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Фанлараро муносабатларни ўрганиш натижасида махсус фанлар олдига қўйилган долзарб муаммоларни ечиш учун катта йўл очилмоқда. Бу ҳол ўзбек тилининг барча сатҳларида чуқур изланишлар олиб боришга катта имкониятлар яратади. Бундан лексик сатҳнинг асосий бирлиги ҳисобланувчи сўз ва унинг маъноси ҳам мустасно эмас.

Ҳозирги кунда когнитив лингвистиканинг умумий муаммоларидан бири ҳисобланган аксиологик муносабатнинг тил сатҳида ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга. Тилшуносликда функционал йўналишнинг ривожланиши, прагматик аспектга мурожаат баҳо феноменининг нафақат ғарб тилшунослигида, балки рус тилшунослида ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллашига туртки бўлди. Илмий адабиётларда “баҳо” тушунчаси, баҳонинг тил табиати ва типлари, баҳо мақомининг лингвистик категориялари масалаларининг ҳажми ва мазмунини ўрганиш анча фаол йўлга қўйилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида тилнинг турли сатҳларида баҳо ифодаловчи воситаларни аниқлашга бағишланган А.Ғуломов, А.Ҳожиев, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиев, Р.Расулов⁵ кабиларнинг ишлари мавжуд бўлса ҳам, лекин

⁵ А.Ғуломов, Ҳожиев А. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида.//Ўзбек тили ва адабиёти,-1978,№1. Б.3-6;.Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. –Т.: Фан, 1980. Таджиев Е. Аффиксальная синонимия в

уларда аксиологик баҳо алоҳида лингвистик категория сифатида яхлит ҳолда монографик тадқиқот объекти бўлган эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилшунослигида ушбу муаммо юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди⁶, лекин уларда аксиологик баҳо ҳақидаги умумий фикрлар берилган бўлиб, унинг ҳар бир сатҳда намоён бўлиши кенг планда ўрганилмаган.

Баҳо муносабати XX асрнинг 70-80- йилларида формал логика тадқиқи асосида юзага чиққан йўналиш бўлиб, гарчи унда илгари баъзи тадқиқотларда турли аспектларда ёритилган бўлса-да , мукамал ва кенг камровда ўрганишга кейинги йилларда киришилди.

Мантиқий баҳо икки хил бўлади: мутлақ ва қиёсий. Баҳонинг бу каби икки гуруҳга ажратилиши мантиқий ва лисоний баҳони ўзаро тенглаштиради, натижада мантиқий баҳодаги асос лисоний баҳодаги семантик муносабатга тенг келади. Мутлақ баҳо субъектнинг барча объектлар учун ва объектив борлиқдаги барча нарса , воқеа, ҳодиса, белги, ҳаракат учун ижобий, нейтрал, салбий муносабат ифодалашини билдиради. Бунда лисоний жиҳатдан денотатив ижобийлик, нейтраллик ёки салбийлик ифодаланади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан баҳо муносабатлари логик тилшунослар, семантика билан шуғулланувчи Е.М.Вольф, Н.А.Арутюнова, С.С.Хидекель, Г.Г.Кашель, А.А.Ивин каби олимлар асарларида ёритила бошланди.

узбекском языке. Автореф.дис...д-ра.филол.наук. -Т., 1992.45с., Расулов Р. Ижобий муносабат ифодаловчи руҳий ҳолат феллари ҳақида.//Тил ва адабиёт таълими.-2003№1 Б.27-31.

⁶ Камбаров Ғ.С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз. дисс.автореф. –Т., 2008, Б.26.

Е.М.Вольф баҳони функционал-семантик жиҳатдан текширса⁷, Н.Д.Арутюновада аксиологик масала фалсафий асосда олинади ва тадқиқот логик-семантик йўналишда олиб борилади⁸.

С.С.Хидекел ва Г.Г.Кашель тадқиқотларида баҳо ифодаловчи лексик воситаларнинг семантик таснифи берилган бўлиб, улар фақат умумистеъмолдаги лексемаларга эътиборни қаратадилар⁹.

Н.Д.Арутюнова икки хил нопредмет объектни ажратишни кифоя деб билади: жараён (ҳолат, хусусият, ходиса) ва фактлар (яъни пропозициялар). Биринчиси инсоннинг объектив борлиққа сингиб бориш муҳитини, иккинчиси борлиқнинг инсон онгига сингиш натижасини билдирувчи нарсаларни умумлаштиради. У ўз фикрини давом эттириб, биринчи гуруҳга қуйидаги предметларни киритиш мумкинлигини айтди: ҳаракатланиш ва ҳаракатсизлик, ҳаракат ёки ҳолатнинг даражаланиши, натижалilik ва натижасизлик каби. Иккинчи ҳолат учун белгиларга қараб ажратиш характерли бўлиб, ҳақиқат ва фаразий, ҳақиқат ва ёлғон, тасдиқлаш ва рад этиш сингари хусусиятлар олинади¹⁰.

Баҳо маъноси объект ва субъект муносабатлари асосида юзага чиқади, яъни сўзловчи (субъект) объектдан таъсирланса ёки унга ўз муносабатини билдириш истаги туғилса, у ўз фикрини баён қилади. Натижада баҳо муносабати юзага чиқади. Баҳонинг белгиси объектга боғлиқ бўлиб, шу асосда ижобий, бетараф, салбий муносабатлардан бири ойдинлашади. Ижобий ёки салбий баҳо бетараф (нейтрал) маъноли лексемадан қанча узоқлашиб борса, ижобийлик ва салбийлик маънолари шу даражада кучайиб боради. Бундай кўринишда объектга ижобий ёки

⁷ Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. –М.: Наука, 1985.

⁸ Арутюнова Н.Д. Об объекте общей оценки //Вопросы языкознания, 1985. №3.с.13-14.

⁹ Хидекель С.С., Кашель Г.Г. Природа и характер языковых оценок //Лексические и грамматические компоненты в семантике языкового знака. –Воронеж, 1983, с. 14-24.

¹⁰ Арутюнова Н.Д. Сравнительная оценка ситуаций.//Серия литературы и языка. 1983, Том 42,№4.с.,330.

салбий баҳо бериш жараёнида даражаланиш хусусияти яққол кўзга ташланади.

Баҳо муносабатининг лисоний томони семантик структурада ўз ифодасини топади.

Баҳо семантик категория сифатида тилшуносликнинг текшириш объектига киради. Баҳо тилшуносликда семантик категория сифатида семасиологик ва ономосиологик таҳлил этилади. Бундай таҳлил этишда баҳонинг семантик элементлари эътиборга олинади. Шу жиҳатдан баҳони юзага келтирувчи бирликлар қайси сатҳга (фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва ҳатто экстралингвистик унсурлар ва б.) мансуб бўлишидан қатъий назар, уларнинг маъно қирралари таҳлилга тортилади. Таҳлил жараёнида субъект ва объект ўртасидаги шартномавий муносабатни эътиборга олиб иш кўриш муҳим аҳамиятга эга.

1.2. Аксиологик баҳо фалсафий категория сифатида

Аксиология (axio – қадрият, баҳо, қиймат, logos – сўз, таълимот) – фалсафанинг энг ёш бўлимларидан бири. Аксиология мустақил фалсафий фан сифатида фақатгина ўтган асрнинг охирларида пайдо бўлди. Албатта, қадрият(баҳо)нинг турли кўринишлари – яхшилик, эзгулик, гўзаллик, олижаноблик ва бошқалар ҳақидаги мулоҳазалар антик фалсафаси классикларида ҳам, ўрта аср теолог(дин бўйича мутахассис)ларида ҳам, уйғониш даври мутафаккирларида ва янги давр файласуфларида ҳам учрайди, бироқ қадрият(баҳо) ҳақидаги умумлаштирувчи тасаввурнинг ўзи ва шунга мувофиқ унинг турли аниқ шаклларда намоён бўлиш қонунияти фалсафада ўтган асрнинг ўрталаригача кўрилмаган.

Қадрият (баҳо) ҳақидаги назариянинг бунчалик кеч пайдо бўлишини қандай изоҳлаш мумкин? Аксиология билан фалсафанинг унга яқин бўлган соҳаси – гносеология, аллақачон назарий мустақилликка эришганлиги, XVII асрда унинг проблематика (муаммолар мажмуи)си фалсафий баҳс-мунозаралар марказида бўлганлиги, Г.Гегелнинг таълимотида эса инсоният ривожланишининг ўзи билиш жараёни - “Мутлоқ Рухни ўз-ўзини англаш” жараёни сифатида таърифланган бу эса масаланинг муҳимлигини янада орттиради(кучайтиради). Яхшилик, эзгулик, гўзаллик, улуғворлик каби маданиятнинг ҳодисалари ҳақидаги тасаввурлар, антик давр файласуфлари мулоҳазаларига мавзу бўлган бўлсада, бу ҳодисаларнинг таҳлили тарқоқ бўлган, чунки улар ягона асоснинг конкрет ифодаси сифатида қабул қилинмаган. Юнонларда мавжуд бўлган “калокагатия” (calos – гўзал, sagathos - маънавий) тушунчаси, қадрият (баҳо)га оид онгнинг бошланғич синкретизм (нарсанинг дастлабки ҳолати)ининг қолдиғи (сарқити) бўлган ҳамда Суқрот ва Платоннинг фикр-мулоҳазаларидаёқ бу этик-эстетик синкретизм қатъият билан енгиб ўтилади. Инсоннинг қадрият (баҳо) га оид онгини турлича кўринишларининг бирлигини тушуниш, онг ва унинг

инсоният ҳаёти ва ривожланишидаги роли ҳақидаги фалсафий тасаввуридан анча кеч келади. Айнан “онг” англаш қобилияти сифатида юнон фикрлашининг марказида туради, шу билан бирга “логос” – бу ҳам онг, ҳам сўз бўлади, чунки сўз бевосита фикр ифодаловчиси ҳисобланади. Материалистик ва идеалистик таълимотларнинг турлитуманлиги, софистлар релятивизмининг қарама-қаршилиги ва Платоннинг мутлоқ идеализмига қарамай, юнон фалсафаси - алоҳида аҳамиятга эга рационалистик фалсафадир, ҳатто худолар дунёсини тасвирловчи афсонага ҳам, Лукреций томонидан табиатни билиш усули сифатида қаралган, шунинг учун маданиятнинг ахлоқий-маънавий, эстетик, сиёсий ва ҳатто диний онг каби “эпифеноменлари”, антик давр мутафаккирлари учун маргинал, ёрдамчи ҳодиса бўлган – улар одамда Логосни ташувчини кўрганлар, бу эса уни, Протагорнинг классик формуласи бўйича, уларнинг кўз ўнгида “барча нарсаларнинг ўлчови” га айлантирган. К.Д.Ушинский таъбири билан айтганда “Маънавий қадриятларни сингдирмай, боланинг ақлини тарбиялаш, жамият учун хавфни тарбиялаш демакдир”.

Аксиология фалсафий фан бўлиб, инсон турмушининг маъносини ташкил қилувчи қадриятларни тадқиқ қилиш, инсон ҳаёти, фаолияти, конкрет иши ва ҳатти-ҳаракатига йўналиш ва асослилик юклаш билан шуғулланади.

Аксиология, фан сифатида ўз категорияларини XVIII аср охирларидан белгилаб олган бўлсада, тадқиқотчилар унинг манбаи антик давр файласуфлари, жумладан, Сукрот асарларида эканлигини таъкидлайдилар. “Эзгулик нима?” – Сукротнинг бу саволи аксиология учун асосий савол бўлиб қолди.

Аксиологиянинг асосий тушунчаси қадрият бўлиб, у “ушбу социумга кирувчи, одамлар ўртасидаги муносабатнинг асосий мезони

(критерияси) оламига, ҳаётнинг турли ҳодисаларига, бир - бирларига, ўз - ўзига муносабатлари” кўринишида белгиланади.

Ғарбда аксиология аллақачон фаннинг турли соҳалари: фалсафа, эстетика, социология, иқтисодиёт, адабиётшунослик ва бошқа гуманитар фанларда илмий фикрлашнинг олдинги қаторларига чиққан. Аксиология билимларнинг барча соҳаларида кучли ривожланишга сабаб бўлди, уларнинг чегараларини кенгайтирди. XX асрнинг 20-йиллар сўнгида ғарб олимлари томонидан “қадриятлар, охир-оқибат барча гуманитар фанларни уларнинг замонавий ҳолатдаги кўтаринки (патетик) сиртдан озод қилувчи калитни беради ” деган фикр илгари сурилди.

Аксиология (кибернетика ва генетика каби) узоқ йиллар давомида яширинча таъқиқ остида бўлган, чунки қадриятларнинг табиати, таркиби ва ўзаро муносабати марксизм-ленинизм таълимоти томонидан белгиланган, деб таърифланар эди. У илмий фикрлаш истеъмолига психология (Узнадзе), социология (В.А.Ядов ва унинг мактаби), культурология (С.С.Аверинцев, А.Я.Гуревич, Г.С.Кнабе, А.М.Пятигорский, Г.С.Померанцев ва бошқалар) орқали кирган. Бироқ бу номларни санашни П.А.Флоренский, Н.О.Лонской, Н.А.Бердяев, Б.П.Вишеславцев, М.М.Бахтин, А.Ф.Лосевлардан бошлаш тўғри бўлар эди. Мазкур олимларнинг асарларида биз замонавий фан манбаларини топишимиз мумкин. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб мамлакатимизда аксиология фаол ишлаб чиқиладиган бўлди.

Аксиология – умуминсоний қадриятлар табиатини фалсафий англаш бўлиб, улар инсон цивилизациясининг объектив қонуниятларга асосланиб (қонуний) ахлоқий, тарихий ривожланишини акс эттиради. Қадриятлар асрлар давомида тўпланиб бориб, кишилар ўртасидаги мулоқотини, инсон хулқ-атворини бошқариб, тартибга солишни далиллаш (мотивация)га асос бўлиб хизмат қилган. Қадриятлар инсон учун – ҳаётий ориентирлардир. Уларнинг даражаси турлича: ҳақиқий ва сохта

кадриятлар; умуминсоний ва шахсий, мангу ва ўткинчи, ижтимоий ва мафкуравий бўлиши мумкин. Педагогнинг вазифаси болани ҳақиқатни кўра олиш, “яхшини ёмондан ажратиш”ни ўргатишдан иборат.

Маълумки, прагматиканинг марказий тушунчаларидан бири баҳо саналади. Баҳо фалсафий-мантикий категория саналиб, унинг назарий асосланиши формаал аксиологияда ўз аксини топган¹¹. Бу масала тилнинг семантик йўналиши билан алоқадор бўлиб, унда кўпроқ тил ёки нутқ бирликларининг мазмун жиҳатига эътибор қаратилади ва фалсафий қарашлар асосида тадқиқ этилади.

Мазкур масала бўйича чет эл ва рус тилшунослигида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган (В.Н. Телия, Е.М. Вольф, В.И. Абасев, Н.Д. Арутюнова, В.А. Василенко, М.А. Лукьянова, Т.В. Маркелова, О.В. Сахарова, М. Якубович ва бошқалар.)¹².

Табиий ёндашув нуқтаи назари бўйича оламнинг энг юксак қадрияти – такрорланмас, ўзига хос, универсал бўлган Инсондир. Инсон ва фақат у моддий ва маънавий қадриятларнинг бунёдкори бўлганлиги учун қадрлидир.

XX аср охири мамлакатимиз педагогик тафаккурида айнан мана шу, қонуниятларга асосланган фикрга таянади. Давлатимизда узоқ йиллар давомида жамият манфаатлари инсон манфаатларидан устун қўйиб келиндики, бу бир қатор ҳолатларда инсон манфаатларининг эътиборсиз қолишига олиб келди. XX асрнинг 90-йилларидан “инсоннинг ҳукмронлик” даври бошланди. Файласуфларнинг фикрича, бундай бурилишнинг ижобий (позитив)лиги кўп бўлсада, шу билан бирга унда “ боши берк шахсиятпарастлик (индивидуалистик)”нинг хавфи мавжуд.

¹¹ Қамбаров Ғ. С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз. дисс.автореф. –Т., 2008, 3-б.,Б.26.

¹² Вольф Е.М. Варьирование в оценочных структурах.//Семантическое и формальное варьирование. - М.:Наука, 1979,с. 273-294; Вольф Е.М.Функциональная семантика оценки.-М.:Наука 1985; В.И. Абасев, Н.Д. Арутюнова, В.А. Василенко, М.А. Лукьянова, Т.В. Маркелова, О.В. Сахарова, М. Якубович

Етакчи аксиологлардан бўлган М.С.Коган, кадриятлар иерархиясида (босқичма-босқич бўйсунуш) инсониятга “олий ўрин”ни ажратади.

Инглиз олими А.Тойнбининг гувоҳлик беришича, “XX асргача инсониятнинг умумий тақдири бўлмаган”, XX асрнинг охири эса бутун инсоният ўзини - ўзи йўқ қилиб юбориш хавфи олдида турганлигини кўрсатди. Айнан мана шунга инсониятнинг кадриятлари фойдаси хизмат қилади.

В.И.Звягинцев, В.С.Селивановларнинг илмий ишларида бир-бирига яқин бўлган ғоялар, яъни “инсониятга дахлдорлик туйғуси асосида шаклланган, инсоннинг олий эҳтиёжи - одамларга хизмат қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш бўлсада, баъзида одамларга хизмат қилиш олий эҳтиёжи шаклланмаган ҳолатлар учраб туради, бироқ бу тарбиянинг қусури” деган фикрлар учрайди.

В.А.Сластенин, Г.И.Чижова, Е.Г.Каменевалар замонавий цивилизацияни сақлаб қолишнинг шарти деб, Инсон ва Инсоният манфаатлари гармониясининг қарор топишида деб таъкидлайдилар

В.А.Караковский ўзининг “Одам бўлмоқ” китобида инсон ўз йўналишини белгилаши мумкин бўлган саккизта умуминсоний характерга эга кадриятларни ажратади: Замин, Ватан, Оила, Меҳнат, Билим, Маданият, Олам, Инсон. Шак-шубҳасиз, бу тушунчалар дунё каби қадимий бўлса ҳам, долзарблигини йўқотгани йўқ, чунки улар инсон онгида асрлар давомида ишлаб чиқилган. Улар миллий-маданий илдизларга эга, маданиятлар диалогда, динлар ўртасидаги диалогда шаклланган, юз йилликлар синовидан ўтган. Агар улар инсонлар, жамият ҳаётида кадриятлар йўналишини белгиласа, ўз ортидан эзгулик, ҳалоллик ва поклик, виждонийлик, инсонпарварлик, ўз-ўзини кадрлаш, ватанпарварликни етаклайди, ўз ҳаракатлари ва атрофдагиларнинг ҳаракатларини тушуниш, баҳолашга, яхшилиқ, ҳақиқат, адолат фойдасига

танловни амалга оширишга қодир маънавий-ахлоқий шахсни шакллантиради.

Қадриятларнинг таназзулга учраши ёхуд унинг алмаштирилиши жамият учун ҳам, алоҳида шахс учун ҳам аянчли оқибатларни юзага келтиради – бу “секин ҳаракатланувчи бомба” бўлиб, ўз-ўзини завола қилиш механизмидир.

Содир бўлаётган ҳодисаларнинг сабаби ва оқибатларини тушунувчи, унга алоқадор бўлганлар учун маънавий масъулиятни ҳис қилувчи одам, учраган турли қарама-қаршиликлар ва қинғирликларга йўл бермай, ҳаётий мақсадини тўғри танлай олади.

Болага замонавий мактаб шароитларида маънавий-ахлоқий йўналишлар беришда, амалга оширилувчи ҳаракатларини бошқаришда унинг бутун ҳаёти давомида шахсий йўналишини белгиловчи, ақлий жараёнларни шакллантирувчи, атроф воқеликни англашга хизмат қилувчи бирламчи асосни беришда астойдил ҳаракат қилиш керак бўлади. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг моҳиятини очиш учун маънавият, ахлоқ-одоб, маданият тушунчаларининг ягона талқини зарур. Бу атамалар фалсафа, эстетика, педагогика ва бошқа фанларнинг тушунчага оид аппарати воситалари ёрдамида белгиланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Аксиологик баҳо масаласи фалсафий категория ҳисобланади. Бу масаланинг лингвистик категория сифатида ўрганилиши учун аввало, унинг фалсафа фанидаги кўринишларини ёритиб бериш зарур. Аксиологик баҳонинг ҳам фалсафий, ҳам лингвистик категория сифатида намоён бўлишини исботлаб бериш ҳозирги кунда тилшунослик фани олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Зеро, тилшунослик фанининг бош мақсади ҳам тил ва нутқ ҳодисаларининг шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатини, ўзига хос томонларини очиб беришдан иборатдир.

1.3.Аксиологик баҳо – лингвистик тадқиқот объекти

Тил ҳодисаларини ўрганишга антропоцентрик муносабат замонавий тилшуносликнинг асосий доминантаси ҳисобланади. Долзарб муаммога бағишланган филологик тадқиқотларда инсонга муносабат, энг аввало, тилнинг инсон омилига боғлиқлиги масаласига эътибор берилаётганлигининг тан олинганлиги билан изоҳланмоқда. Дарҳақиқат, кўп қиррали мураккаб ҳодиса ҳисобланган тилдаги жуда кўп ҳолатлар, унинг бир-бирига таъсир қилувчи барча элементлар инсоннинг социал ва ички олами, борлиққа муносабати механизмлари билан ўзаро алоқадорликда ҳаракат қилиши маълум. Инсон айнан тил сатҳи бирликлари орқали уни ўраб турган борлиқ ва унинг барча қирраларига ўз муносабатини аниқ ва образли ифодалаш, баҳо бериш имкониятига эга. Лисоний баҳо хусусан антропоцентрик категория ҳисобланиб, инсон манфаатларини акс эттиришга қаратилган бўлади ва улардан ажралмаган ҳолда ифода этилади. Шу ўринда лисоний баҳони А.А. Шмелева “Баҳо ҳақида гап кетганда инсон омили биринчи планга чиқади”¹³, деб тўғри баҳолайди. Баҳо категорияси узок вақт мобайнида фақат аксиология нуқтаи назаридан ўрганилган, бироқ кейинги йилларда бу масала тилшунослар эътиборига тушди ва жуда кўп лингвистик тадқиқотларнинг катта аҳамиятга эга бўлган объектига айланди. Шундай қилиб, лингвистиканинг аниқ белгиланган антропоцентрик йўналиши “тилга аксиологик муносабат” деб номланувчи, тилни социум қиймати асосий тизимининг кўриниши сифатида ўрганилувчи янги бир соҳаси шаклланади.

Баҳо категориясининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, тадқиқотчиларнинг кўпчилиги уни фалсафий-мантиқий баҳо тушунчаси орқали аниқлашни маслаҳат берадилар. Шу маънода

¹³ Шмелева А.А.Оценочность в прагматике высказывания. Современные проблемы лингводидактики./Бирский гос пед.ин-т.-Бирск, 2004, С.109-114

В.И. Банару баҳога куйидагича умумий таъриф беради: “Баҳо-аксиологик атама бўлиб, натижали аспекти ифодаловчи баҳо субъекти ва унинг предмети ўртасида ўзаро муносабат ўрнатувчи жараён. Зеро, баҳо предмети қаторига нафақат субъект учун ижобий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар, балки ноль даражали ва салбий қадриятлар ҳам алоқадор бўлиб, бу тушунчанинг умумий нисбийлигини исботлайди¹⁴. Инсон баъзан айрим объектларга яхши ё ёмон, фойдали ё зарарли, чиройли ё хунук деб баҳо беради. Бошқача қилиб айтганда, айрим объектларга ижобий ёки салбий баҳо бериш йўли билан уларнинг аҳамитли ёки аҳамиятсизлигини ифода этади. Шундай қилиб, агар баҳо объекти (кенг маънодаги у ёки бу баҳо қайд этиладиган объект), баҳо субъекти (ижобий ёки салбий баҳо ифодаловчи шахс) ва баҳонинг асосий маркери (субъектнинг маъқуллаш ёки танбеҳ бериш жараёнида ўрни ёки фикрлари)га эга бўлса, баҳо эҳтимолга яқин ҳолда реаллашади. Р.М.Якушин томонидан аниқланиб таҳлилга тортилган куйидаги фикрларни тан олмасдан иложимиз йўқ . “Объектга тил соҳибларининг муносабати, тан олинган боғлиқлик ёки унинг баҳосини тан олмаслик, мос келиш ёки мос келмаслик жиҳатларини аниқловчи омил (критерия)ларда баҳони тушунишга ёрдам беради”¹⁵. Шу билан бирга, шубҳасиз, субъектнинг баҳо йўналиши тасаввур қилинади.

Фалсафий-мантиқий баҳо тушунчасини тўғри англаган ҳолда тилдаги баҳонинг когнитив моҳиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Жумладан, бизни ўраб турган оламни айнан баҳо ёрдамида ўрганамиз, деб уқдиради. Тадқиқотчилардан И.И. Кремих¹⁶, М.В. Багуславскийлар эса, лисоний баҳо билиш фаолиятининг турли хил ўзига хос хусусиятлари билан илмий билимлар асосига қурилишини қайд этадилар¹⁷. Инсон ўзи

¹⁴ Банару В.И. Оценка, модальность, прагматика.- Калинин, 1987, с.14.

¹⁵ Якушина Р.Н. Динамические параметры оценки. Автореф.канд. филол. наук.- Уфа, 2003, стр.6. 24с.

¹⁶ Кремих И.И. Оценка в лексической семантике. -М.: МГПУ, 1986,стр.18.

¹⁷ Богуславский М.В. Словарь оценок внешности человека. –М.:Космополис, 1994, стр.10. 336с

учун аҳамиятга эга бўлган ёки аҳамиятга эга бўлмаган предметлар, фактлар, борлиқ ҳодисалари, ўзининг жамиятда тутган ўрни, атрофидагиларнинг муносабати, шу билан бирга, дунёқараши тўғри келган ана шу инсонлар билан муносабат ўрнатишга ўз қарашлари асосида баҳо беради.

Баҳонинг категория сифатида аҳамиятга эга бўлиши тилнинг турли хил функцияларида ўз аксини топиши билан белгиланади. Н.Д.Арутюнова, Е.М.Вольф, М.С.Ретунская сингари тилшунослар тилнинг прагматик функцияси билан баҳонинг ажралмас алоқасини тан оладилар, дарҳақиқат, мазкур функция орқали сўзловчининг предметга ижобий ёки салбий муносабат билдириши ифода этилади. Н.Е.Кузнецова ва Е.В.Шевченколар ҳам баҳонинг прагматик йўналганлигини ўз таърифларида: “баҳо – бу субъектнинг у ёки бу эҳтиёж ва қизиқишларини кондириш кўникмасига эга бўлган объектнинг моҳият даражасини субъект томонидан аниқлаш жараёни ва натижаси”¹⁸, - деб таъкидлайдилар. А.А.Ивин баҳони тилнинг алоҳида функцияси сифатида ажратиб, “ўрганилаётган объектга ижобий, салбий ёки нейтрал муносабат ифодалашда тилдан фойдаланади”¹⁹, деб таъкидлайди. Е.Н.Старикова ва С.Н.Колесник баҳонинг аксиологик категориясини тилнинг номинатив функцияси билан боғлайди (модомики, баҳо сўзнинг лексик маъноси ёки сўз бирикмаси билан ифодаланиши мумкин)²⁰. Баҳонинг бундай қатъий, муҳимлиги тилнинг универсаллигини яна бир бор исботлайди.

Юқорида таъкидланганимиздек, лисоний баҳо маълум баҳолаш муҳокамаси кўринишида, шу билан бирга, улар одатда баҳонинг аниқ (субъектив) маъносини, баҳоланаётган объектнинг айрим характерли хусусиятларини сақлаб қолади. Баҳолашда ўз фикрини билдириш

¹⁸ Кузнецова Н.Е., Шевченко Е.В. Язык. Текст. Стил: сб. науч. тр./Курганский гос. ун-т.-Курган, 2004, стр. 71.

¹⁹ Ивин А.А. Теория аргументации/А.А.Ивин.-Режим доступа: <http://www.bolshe.ru/book/id=2454-page=3>[27.06.05]

²⁰ Старикова Е.Н., Колесник С.Н. К вопросу о категории оценки в языке//Вестник Киевского университета. Романо-германская филология. -1988.-Вып.22.стр.56, 56-59С.

доирасида объектив ва субъектив муносабат даражаси, уларнинг чамбарчас ўзаро алоқаси тилшуносларнинг жиддий эътиборини ўзига тортади. Бир қатор тадқиқотчилар баҳо муносабатида субъектив баҳо биринчи даражали эканлигини таъкидлайдилар. Н.П.Сучкованинг фикрича эса, баҳо қандайдир нарса ва ҳодисанинг ички, табиий хусусияти ҳисобланмайди, балки инсонларнинг нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабатларига боғлиқ ҳолда уларнинг ёқимли, зарур, фойдали эканлиги ёки уларнинг акси билан ифодаланади. Баҳонинг турли дифиницияларида мунтазам учраб турадиган “фикр”, “муҳокама”, “муносабат” каби тушунчалар, баҳодаги субъектив омилнинг табиийлигини тўғридан-тўғри кўрсатиб²¹, айнан шахсий аспект ёки шахсий интерпретация туради. “Субъектив–объектив” муносабат йўналиши бўйича эмоционал-экспрессив контекстда баҳони тадқиқ этиш учун асос бўлган базисни шакллантиради.

Баҳолаш ўз мазмуни билан субъектив жараён ҳисобланади. Лекин шуни аниқлаш керакки, субъектив омил ўзининг муҳимлиги ва аҳамияти билан объектив омилдан ажралмаган ҳолда юзага келади. Баҳовий ифодада субъектив ва объектив муносабат яхлит, комплекс ҳолда иштирок этади ва уларнинг қайси бири бирламчи эканлигини аниқлаш биз учун унча аҳамиятга молик эмас: баҳовий ифода доимо субъект ва объект ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англаб туради. Субъектив компонент субъектнинг объектга бўлган ижобий ёки салбий муносабатини белгилайди, асосий эътибор нарса ёки ҳодисаларнинг шахсий хусусиятларига қаратилиб, шулар асосида баҳо ифода этилади. Баҳовий ифодада субъективлик ва объективлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Е.М. Вольф ҳар қандай баҳовий фикр тенг даражада фикрлаш субъектини (баҳоловчи шахс) ва унинг объекти (баҳоланаётган нарса,

²¹ .Сучкова Н.П. Функционирование категории оценочности в английской разговорной речи./Горьковский гос.пед.ин-т иностр.языков. –Горький,1989, стр.2, 12 С.

шахс ёки ҳодиса)ни белгилаши, лекин баҳовий ифоданинг таркибида субъект ва объектни ўзаро қаршилантеририлиши ҳамда баҳолашда объективлик ва субъективлик бир хил нарса эмаслигини таъкидлайди. Объект ҳам субъект ҳам субъектив ва объектив омилларнинг мавжудлигини кўрсатиб туради. Хусусан, субъект нарса ва ҳодисаларни баҳолаб, бир томондан ўзининг баҳолаш объектига бўлган муносабатига таянса, иккинчи томондан объектга хос бўлган белгиларнинг баҳолаш даражаси ва одатдаги тушунчаларга асосланади. Шу билан бирга, баҳоланаётган объектда субъектив (субъект-объект муносабати) ва объектив (объект хоссалари) белгилар бирлашади²². Шундай қилиб, баҳолаш жараёнида субъектив ва объектив элементларнинг ўзаро бирлиги – бу мураккаб ва кўп аспектли ҳодиса ҳисобланиб, ҳар бир элементнинг фикрлаш таркиби, ҳар хиллиги билан аниқланади, бунда турли омиллар катори ҳисобга олинади.

Демак, баҳонинг пайдо бўлиш манбаи объект ҳисобланади. Яъни баҳонинг таркиби ва тавсифи объектнинг маълум бир хусусиятлари билан боғлиқ. Шу билан бирга, бу хусусиятлар объектнинг оддий тасвирий тавсифланишига қараганда, анча мураккаб бўлади, чунки баҳолаш фаолияти мулоқот жараёнидан ажралмаган ҳолда ижтимоий муносабатларни ифодалайди. Модомики, баҳолаш, кўпинча, объектнинг ижтимоий моҳиятини акс эттирар экан, баҳолаш муаммосини суҳбатдошларнинг аниқ ижтимоий муносабатлари билан боғлаган ҳолда ўрганиш керак. Е.М.Вольф баҳонинг у ёки бу жамиятдаги маълум бир вақт оралиғида қабул қилинган қоидалар билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди²³. Умуман олганда, баҳонинг ижтимоий боғланганлигини субъектнинг объектив тавсифига қаратиш мумкин. Чунки айнан у объект ҳақида одатдаги фикрлашни шакллантириб, умумий баҳолаш шкаласини

²² Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. –М.:Едиториал УРСС, 2002, стр22. 280 С.

²³ Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. –М.:Едиториал УРСС, 2002, стр 67. 280 С.

белгилайди. Маълумки, ҳар бир гапирувчи шахс ўзининг дунёга бўлган қимматлар тасвири билан тавсифланади. Демак, ўзининг алоҳида баҳолаш шкаласи индивиднинг аксиологик йўналишини шакллантиради. Бироқ И.И.Кремихнинг қуйидаги фикри билан келишиш қийин, қайсики, объектив борлиқнинг баҳоси индивидуал эмас, балки жамоа, жамият қийматлари тизимига киритилган ва амалий фаолият ҳамда жамоавий амалиёт билан белгиланган жамоавий баҳо бўлиб ҳисобланади²⁴. Ҳар бир инсон учун ўзининг хусусий баҳолаш шкаласи муҳим. У эса ташқи (умумий, жамият билан боғланган) қийматлар ҳамда ички алоҳида индивидуал баҳо тизимини бирлаштириш натижаси бўлиб ифодаланади. Шу билан баҳо тилнинг вербал реакцияси таъминловчиси бўлиб, лингвистик вариантларнинг кенг диапозонига эга. Шундай қилиб, баҳо ифодаси бир томондан социолингвистик доирада ўз фикрини (ижобий ва салбий) билдириш, иккинчи томондан субъектнинг индивидуал экстролингвистик характеристикаси билан (объектга шахсий муносабати, социал мавқеи, психик хусусиятлари, маълумоти, тарбияси, касби, ёши, ҳатто баҳони оғзаки ифодалаш кайфиятида) тайёрланган. Баҳо масаласини муҳокама қилишда ўзаро объектив ва субъектив муносабат муаммоси баҳода қайси фактор бирламчи – эмоционал ёки рационал эканлиги масаласи билан чамбарчас боғланган. Бир қатор чет эл тадқиқотчиларининг (Stevenson,Hare,Hudson) фикрича, баҳони аниқловчи инсоннинг воқеликка тўғридан-тўғри реакциясида эмоция (ҳиссиёт) бирламчи, нутқнинг роционал томони иккиламчи ҳисобланади²⁵. Рус тилшуносларидан Н.Д.Арутюнова, Е.М.Вольф, А.Н.Барановалар эса бунга бошқа томондан ёндашадилар, яъни рационал баҳо аспектини биринчи ўринга, эмоционал компонентни иккинчи ўринга қўядилар, бунинг сабаби

²⁴ Кремих И.И. Оценка в лексической семантике/Кремих И.И. Парадигматические характеристики лексики. –М.: МГПУ, 1986, стр.20, 18-34С.

²⁵ Шмелёва А.А. Оценочность в прагматической семантике высказывания/ Шмелёва А.А. Структурно-семантические, когнитивные, прагматические и другие аспекты исследования единиц разных уровней. / Бирский гос.пед.ин-т.-Бирск, 2004. Стр.112, 109-114с.

шундаки, табиий тилда соф эмоционал баҳо мавжуд бўлмайди, чунки тил доимо рационал аспекти белгилайди. О.Н.Касторнова М.Вольф изидан бориб баҳонинг: эмоционал (баҳоланаётган объектнинг ҳиссий қабул қилишни акс эттирувчи субъектнинг бевосита реакцияси) ва рационал (кузатилаётган объект қийматини мантиқан таҳлил қилиш) каби икки турини ажратган²⁶. Шубҳасизки, бевосита реакция - баҳолашда ҳиссий компонент баҳолаш-фикрга нисбатан анча аниқ, лекин бизнингча, рационал бошланишни бартараф қилиш белгиламайди (ва аксинча – ўйлаб кўрилган баҳолаш фикрда аниқ ифодаланган рационал аспект билан бир қаторда доимо ҳис-туйғу иштирок этади). Маълумки, турли шаклдаги баҳолашда рационал ва эмоционал баҳоларнинг нисбати ўзгарувчан бўлиб, контекстан ташқари икки турдаги баҳони фарқлашнинг имконияти бўлмайди. Шу туфайли баҳони тил орқали ифодалаш учун рационал ва эмоционал аспектиларнинг муҳимлиги тенг эканлигини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Демак, баҳони эмоционал ва рационал каби турларга ажратиш аниқ таснифга нисбатан кўпроқ шартлилиққа қаратилади.

Баҳолашнинг яна бир тавсифи шартли, лекин муҳим бўлган унинг даражаси ҳисобланади. Е.Н.Старикова ва С.Н.Колесник учта шартли баҳолаш даражасини кучсиз, ўртача ва интенсив каби турларга ажратади²⁷. Кучсиз даражанинг баҳоси ўзининг эмоционаллиги ва қатъийлиги билан бетараф(нейтрал) даражага яқинлашади. Одатда улар ҳиссий баҳолаш ҳамда предмет мантиқий мазмунига эга бўлган лексик воситалар билан ифода этилади. Интенсив даражадаги баҳода эса, кўпроқ эмотив компонент иштирок этади; улар яққол эмоционал мазмунга эга бўлган лексик воситалар билан ифода этилади ва кўп маротаба турли хил тил даражалари билан кучайтирилади. Умуман, баҳонинг мазкур шартли

²⁶ Касторнова О.Н. К вопросу о разграничении оценочности и эмоциональности в высказываниях со словами категории оценки/Иркутский гос.пед.лингв. ун-т. – Иркутск, 2005,стр123, 120-124 С.

²⁷ СтариковаЕ.Н., Колесник С.Н. К вопросу о категории оценки в языке//Вестник Киевского университета. Романо-германская филология. -1988.-Вып.22.стр.58, 56-59С.

даражалари баҳонинг бир хил эмаслигини ва тилда турли хил пайдо бўлишини намоиш этади, бундан ташқари, баҳолаш аспектини шакллантиришда лексик, морфологик, синтактак ва интонацион тил даражаларининг бирликлари иштирок этади.Таъкидлаб ўтилганидек, тилдаги баҳо гаплар-фикрлар шаклида моддийлашади, лекин айнан қайси бир фикрларни, хусусан баҳоловчи деб тан олиш масаласи маълум бир даражада баҳслашга асос бўлади. М.Я.Блох ва Н.В.Ильина “баҳолаш конструкцияси деганда, баҳолаш семантикасининг лексик бирлигига эга бўлган ҳар қандай тузилма эмас, балки предикатив ҳолатга эга бўлган лексик birlik тан олинади”, бошқа ҳолларда “баҳо.... субъект томонидан фикрнинг асосий мантикий вазифасига асосланиб бириктирилган бўлиб эмас, балки маълум бўлган аниқ факт сифатида узатилади”,- деб таъкидлайди²⁸.

Шу билан бир қаторда, баҳолашда фикрлар тор маънода (баҳолаш лексемасига эга бўлган предикат ўрнининг муҳокамасида) бизнингча, етарлича асосланмайди. Бу масалада А.Н.Барановнинг, баҳони лингвистик нуқтаи назардан тор тушуниши оқламайди, чунки бунда таҳлил доирасидан баҳолашнинг когнитив жараёнида “ташқи сирти”ни ифодаловчи тилнинг бир қатор табиий феноменлари чиқариб ташланади, деган фикри анча ишонарли бўлиб ҳисобланади²⁹. Кўп маротаба фикр билдиришда баҳо қатъий баҳолаш мазмунига эга бўлмаган (масалан,ортиқча белгини қайд этишда) лексик birlikлар ёрдамида узатилади.

Айниқса, баҳовий фикрни кенг маънода тушуниш билан қўлланиб, биз баҳовий-предикатив тузилмасига эга бўлмаган, лекин уларда баҳо асосий фикр алмашув мақсади бўлган, оғзаки нутқни ҳам баҳолаётган деб ҳисоблашимиз мақсадга мувофиқдир. Шунини таъкидлаш лозимки, фикрлаш

²⁸ Блох М.Я. Структура и семантика оценочной конструкции. МГПИ. – М, 1986, стр. 15, 14-23С.

²⁹ Баранов А.Н. Аксиологические стратегии в структуре языка// Вопросы языкознания. -1989. -№3, стр 75, 74-90С.

жараёнида ифоданинг ҳақиқийлигини белгилаш учун кенг контекст доирасидаги билимлар ва фикр алмашув вазиятининг одатдаги барча параметрларини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Лингвистик баҳони тор маънода ифода этиш ажратиб олинган фикр баҳовий бўлиб ҳисобланмайди, чунки баҳолаш сифатлари предикатив ўринда бўлмайди. Шундай бўлсада, бу ерда баҳо мазкур фикрлашнинг мазмун маркази сифатида иштирок этади. Бу ҳолат қуйидаги предикатив ўрнига баҳо лексема қўйилган гап билан тасдиқланади.

Хуллас, баён этувчи томонидан қўлланилаётган тилнинг ранг - баранг воситаларидан фойдаланиб, шуни таъкидлаш лозимки, баҳолаш фикрларни ажратиб олишда асосий саналиб, лексик мазмунига эга синтактик тузилма эмас, балки фикрнинг коммуникатив мақсади, унинг мазмун масаласи, ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз тилнинг ифодасида баҳонинг қуйидаги таърифини таклиф этамиз: баҳолаш мулоҳазаси – бу субъектнинг атроф-муҳитга ижобий ёки салбий муносабатини ифода этувчи ҳамда объектив ва субъектив омиллар йиғиндиси билан тавсифланган фикр ҳисобланади, модомики, бунда баҳо асосий коммуникатив мазмун сифатида иштирок этади.

Баҳо муҳокамасининг тескари характеридан муаммо ва унинг бир хил шарҳланиши келиб чиқади: субъектнинг баҳо позициясини доим ҳам фақат ўз фикрини лексик тўлдиришдан келиб чиқиб айнан тенглаштириб бўлмайди. Н.А.Близнюк ва Н.А.Сергиенколар баҳонинг тўғри изоҳланишида қизиқиш, дунёқараш, ҳис қилиш, коммуникатив жараённинг социал ва психологик ўзига хосликлари ҳар иккала томонга боғлиқ эканлигини тўғри таъкидлайдилар³⁰, яъни И.В.Егорова ушбу масалага янада кенгроқ тўхталади ва баҳонинг экстралингвистик факторлари барча коммуникатив вазиятлар орқали тақдим этилган вақт,

³⁰ Близнюк Н.А. Понятие и структура оценки в системе языка/ Близнюк Н.А., Сергиенко Н.А. //Теоретические и прикладные аспекты лингвистических исследований: межвуз. сб. науч. тр./Сургут гос. ун-т. –Сургут, 2001. Стр 86, 84-87С.

макон, коммуникантлар миқдори, уларнинг ўзаро алоқаси, шунингдек, нутқ одобининг коммуникатив қоидалар каби белгиларига баҳо берилади, деб тўғри таъкидлайди³¹, яъни тилдаги баҳони айнан бир хил тушунишда миллий мулоқот нормалари, ҳозирги маданиятда қабул қилинган у ёки бу тарихий вақт оралиғини ҳисобга олиш зарур.

Умуман олганда таъкидлаш лозимки, замонавий тилшуносликда янги тадқиқот йўналишининг вужудга келиш жараёни фаоллик билан амалга оширилмоқда ва буни лингвоаксиология³² деб белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу табиий албатта, айнан тилдаги баҳони кенг маънода унинг барча кўпсонли аспектларини ҳисобга олиб тушуниш тадқиқотчиларга дунёқараш ва дунё харитасининг баҳосини алоҳида инсон сифатида белгилайди.

БОБ бўйича хулоса

1. Тил - ҳар бир халқнинг маънавий - маърифий юксалишини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Инсон нутқи кимга ёки нимага қаратилганлиги, қандай ният билан содир этилганлиги масаласи тилни мантиқий нуқтаи назардан ўрганиш ва баҳо бериш билан чамбарчас боғлиқдир. Илмий адабиётларда “баҳо” тушунчаси, баҳонинг тил табиати ва типлари, баҳо мақомининг лингвистик категориялари масалаларининг ҳажми ва мазмунини ўрганиш анча фаол йўлга қўйилмоқда.

2. Аксиологик баҳо масаласи фалсафий категория ҳисобланади. Аксиологик баҳонинг ҳам фалсафий, ҳам лингвистик категория сифатида намоён бўлишини исботлаб бериш ҳозирги кунда тилшунослик фани олдида турган энг долзарб масалалардан бири саналади.

³¹ Егорова И.В. Функционирование модуса субъективной оценки в косвенных речевых актах: сб.науч.тр./Пермский гос.пед.ун-т. Перм,2004.стр.28, 27-30 С.

³² Ибрагимова Э. Лингвистик баҳо – аксиологик тадқиқот объекти сифатида.ФДУ Хабарлари. 2011,№3

3. Баҳо маъноси объект ва субъект муносабатлари асосида юзага чиқади, яъни сўзловчи (субъект) объектдан таъсирланса ёки унга ўз муносабатини билдириш истаги туғилса, у ўз фикрини баён қилади. Натижада баҳо муносабати юзага чиқади. Баҳонинг белгиси объектга боғлиқ бўлиб, шу асосда ижобий, бетараф, салбий муносабатлардан бири ойдинлашади.

4. Баҳонинг пайдо бўлиш манбаи объект ҳисобланади. Яъни баҳонинг таркиби ва тавсифи объектнинг маълум бир хусусиятлари билан боғлиқ. Шу билан бирга, бу хусусиятлар объектнинг оддий тасвирий тавсифланишига қараганда, анча мураккаб бўлади, чунки баҳолаш фаолияти мулоқот жараёнидан ажралмаган ҳолда ижтимоий муносабатларни ифодалайди.

5. Хуллас, баён этувчи томонидан қўлланилаётган тилнинг ранг - баранг воситаларидан фойдаланиб, шуни таъкидлаш лозимки, баҳолаш фикрларни ажратиб олишда асосий саналиб, лексик мазмунига эга синтактик тузилма эмас, балки фикрнинг коммуникатив мақсади, унинг мазмун масаласи ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз тилнинг ифодасида баҳонинг қуйидаги таърифини таклиф этамиз: баҳолаш мулоҳазаси – бу субъектнинг атроф-муҳитга ижобий ёки салбий муносабатини ифода этувчи ҳамда объектив ва субъектив омиллар йиғиндиси билан тавсифланган фикр ҳисобланади, модомики, бунда баҳо асосий коммуникатив мазмун сифатида иштирок этади.

II БОБ. БАҲОНИНГ ПРЕДМЕТ ВА БЕЛГИ ЁРДАМИДА ИФОДАЛАНИШИ

2.1. Предмет маъносини билдирувчи лексик воситалар.

Тил – кишиларга фикрлашув, фикрлаш куроли бўлиб хизмат қилади³³. Ҳар бир тил унинг соҳиби бўлмиш жамоанинг бебаҳо мулки ҳисобланади. У борлиқ ҳақидаги билимларни ифодалаш воситасигина эмас, балки тингловчига таъсир этувчи восита ҳамдир. Шунинг учун тил фақат коммуникатив вазифанигина эмас, экспрессив-эмоционал вазифани ҳам бажаради. Лексеманинг мазмун жиҳатида, воқеликни номлашдан ташқари номланаётган воқеликка муносабат ҳам билдирилади. Воқеликка муносабат билдириш белгиси баҳо атамаси номи остида юритилади.

Ўзбек тилида янги йўналиш сифатида юзага келган баҳо категорияси ҳақида турли мулоҳазалар юзага келмоқда. Аксиология (ахио - қадрият, баҳо, қиймат, логос - сўз, таълимот) - фалсафий, инсон турмушининг маъносини ташкил қилувчи қадриятларни тадқиқ қилиш, инсон ҳаёти, фаолияти, конкрет иши ва ҳатти-ҳаракатига йўналиш ва асослилиқ юклаш билан шуғулланади³⁴. Тилшунос олим В.И.Банару баҳога қуйидагича таъриф берган: Баҳо-аксиологик атама бўлиб, натижали аспектни ифодаловчи баҳо субъекти ва унинг предмети ўртасида ўзаро муносабат ўрнатувчи жараён. Зеро, баҳо предмети қаторига нафақат субъект учун ижобий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар, балки ноль даражали ва салбий қадриятлар ҳам алоқадор бўлиб, бу тушунчанинг умумий нисбийлигини исботлайди³⁵.

Лексеманинг мазмун жиҳатида, воқеликни номлашдан ташқари номланаётган воқеликка муносабат ҳам билдирилади. Баҳо муносабати турли аспектларга эга бўлиб, инсон фаолиятининг алоҳида бир соҳаси

³³ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили, -Т., 2010, 1-том, 3-б.

³⁴ Арутюнова Н.Д. Сравнительная оценка ситуаций.//Серия литературы и языка. 1983, Том 42, №4.с.,330.

³⁵ Банару В.И. Оценка, модальность, прагматика.- Калинин, 1987, с.14.

билан боғланган ҳолда аниқланадиган алоқалар, боғланишлар тушунилади³⁶.

Муносабатлар деганда бир бутунликнинг таркибий қисмлари - бирликлари орасидаги ўзаро алоқалар, боғланишлар англашилади.

Маълумки, предметлик тушунчаси от сўз туркумига мансуб лексемаларга хос. Тилнинг эмоционал-экспрессив вазифаси фонетик сатҳдан ташқари барча сатҳ бирликлари орқали намоён бўлади. Айниқса, лексик сатҳда ёрқинроқ намоён бўлади.

Лексеманинг мазмун жиҳатида асосий ҳодиса - лексик маъно; баҳо семаси асосан уч хил ифодаланади:

- 1) морфема ёрдамида;
- 2) лексеманинг ўзи билан;
- 3) контекст ёрдамида;

Баҳо семасининг морфема ёрдамида ифодаланиши морфологик ифодаланиш дейилади. Ҳозирги ўзбек тилида бундай вазифани эркалаш, кичрайтириш маъноларини англатувчи -ча,-гина, -жон, -чоқ, -чак каби кўшимчалар бажаради. Бу морфемалар ижобий муносабат ифодалашга хизмат қилади. Масалан:

Бўрихон дўмбоққина бола бўлган эди. Уни ёмон кўздан асрасин, деб кийимларига тумору кўзмунчоқлар тақиб қўярди. (С.Аҳмад. "Қорақўз мажнун").

- Вой, сен қанақа меҳрсиз бола чиқдинг. Ахир мен онагинангни синглисиман! (С.Аҳмад. "Қишдан қолган қарғалар").

Юқорида келтирилган мисолларда "дўмбоққина", "кўзмунчоқ", "онагинанг" каби от лексемаларда эркалаш маъносини ифодаловчи баҳо семасини яққол кўриш мумкин.

³⁶ Санаева И.В.Аксиологический аспект языковой картины мира в романе Л.Н.Толстого «Война и мир» (дихотомия «добро – зло»).Автореф.канд.филол.наук.-Калининград, 2007,стр.10.,25.С.

-ча аффикси ёрдамида ясалувчи форма асосан кичрайтириш маъносини ифодалайди. Бу қўшимча шахс билдирувчи отлардан эркалаш формаси ясаганда, кичрайтириш билан бирга ҳурматлаш, эркалаш ёки камситиш маънолари ифодаланиши мумкин. Лекин бу маънолар кичрайтириш маъносига қўшимча тарздаги сўзнинг лексик маъноси ва бошқа факторлар таъсирида келиб чиқадиган оттенкалар бўлади. Масалан:

Йўлдошбой ўзимиз тенги йигитча эди. Қўшни синфда ўқирди. Лекин жуда яхши кийинарди. Шундай кийинардик, бир-иккита болалар ҳасад қилганларидан унинг уст-бошини бир-икки марта йиртиб ташлашган эди. Менга у бола ёқарди, умуман. Яхши ўқирди, информацияга бой эди. Сўнгра ундаям қандайдир, сиз айтмиш "романтика"дан бор эди. (Ш.Холмиров. Ҳикоялар. Банди бургут.)

Баҳо семаси лексеманинг ўзи билан ифодаланса, лексик ифодаланиш дейилади. Бунда баҳо семаси лексемаларнинг ўзаро семантик муносабатида очиқ кўринади³⁷. Масалан юзлаштириш баённомаси, бет, ораз, афт, башара, турқ лексемалари айнан бир лексик маънони англатади, баҳо семасининг ифодаланишига кўра, бўёқдорлиги, яъни ижобий ва салбий маъно ифодаланишига кўра фарқланади. Баҳо семаси жиҳатидан энг бетараф лексема "юз" саналади. Масалан :

Жанозага қишлоқнинг катта-кичик ҳаммаси келди. Фақат Нуриддин сартарош келолмади. Юрт кўзида унинг юзи шувит эди. (С.Аҳмад. "Азроил ўтган йўлларда").

Юз лексемаси аслида бетараф баҳо ифодаловчи лексема ҳисобланади.

Келтирилган парчада эса бетарафликдан салбий маъноли лексемага айланмоқда.

³⁷ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили, -Т., 2010, 56-б.

Баҳо семаси асли бетараф баҳоли лексемани ўз ишлатиш доирасидан бошқа бир доирага кўчириш туфайли ифодаланса, контекстуал ифодаланиш дейилади. Масалан:

Мана орадан бир йил ўтди. У ўша қизни эслаганида ниҳоятда кўҳлик бир қизнинг юзи, кўзи, келишган гавдаси кўз олдига келарди-да, зум ўтмай, бу гўзаллик ўрнини тиржасайган калла суяги эгаллаб оларди. (С.Аҳмад. "Тоғ афсонаси").

Бош лексемаси киши танасинининг аъзосига нисбатан қўлланилади, калла лексемаси эса ҳайвон танасининг аъзосига нисбатан ишлатилади. Булардан ҳар бири ўзининг бўёқдорлиги ишлатилиш доирасида баҳо семаси жиҳатидан бетараф ҳисобланади. Аммо калла лексемаси ҳайвондан одамга кўчириб ишлатилса, бўёқдорлиги жиҳатидан салбий баҳо ифодалашга хизмат қилади.

Лексеманинг мазмун жиҳатини контекст орқали ифодаланишини қуйидаги мисол ёрдамида кўриш мумкин.

- Зулай! Қаёқда қолдинг?-чақирди у неварасини.
- Ҳозир,-деди Зулайҳо ичкаридан ва кўп ўтмай келди.
- Қаранг !?

Назир ота унга ўғирилди. Ўғирилди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. У неварасининг бунчалик чиройлилигини билмаган эди. Эғнида оқ крепдешин кўйлак, оёғида оқ туфли, бир ўрим қалин, зулукдек қора сочи олдига тушиб турибди, қўлидаги билагузук, кичкина қулоқларидаги оппоқ зирақлар ярақларди. (Ў.Умарбеков. "Кимнинг ташвиши йўк").

Мисолимиздан қаҳрамоннинг ҳайратланиши, қойил қолишини набирасига юқорида берган баҳоси ишонарли тарзда контекст орқали ифодаланган.

От лексемаларнинг асосий хусусиятларидан бири номлаш ҳисобланса, унга кўшимча равишда муносабат тушунчасининг ифодалаш ўринлари ҳам учраб туради. Предметлик ва номлаш

тушунчасини англатувчи лексемалар борлиқдаги турли хил нарса ва ҳодисаларни номлайди. Нарса ва ҳодисалар ичида шахс отлари алоҳида аҳамиятлидир. Баҳонинг ифодаланишида бошқа отларга нисбатан шахс отлари кўпроқ қўлланилади. Масалан:

”Деворий газета” - бу Насибжоннинг ўртанча тоғаси Турғунбой. Унинг шунақа ичадиган одати бор эди. Ҳафтада бир ичади. Ичганда ҳам бирваракай ичади. Кайф қилиб, ҳамма ака-ука, амма-холалариникига боради. Навбати билан бўралаб сўкади. Кайфи тарқалгунча, ўзи чарчагунча сўкади. Маҳалла уни ҳафтада бир чиқадиған “Деворий газета” деб атарди. (С.Аҳмад.Қишдан қолған қарғалар).

Инсонга ижобий ёки салбий баҳо берилганда унинг феъл –атвори, албатта, ҳисобга олинади. Юқоридаги мисолда ҳам Турғунбойнинг газетага ўхшатилишида унинг салбий сифатлари назарда тутилиб баҳоланган.

Баҳо муносабати ифодаланишида ўз фикрини билдириш доирасида объектив ва субъектив муносабат даражаси, уларнинг чамбарчас ўзаро алоқаси тилшуносларнинг жиддий эътиборини ўзига тортади. Тадқиқотчилар баҳо муносабатида субъектив баҳо биринчи даражали эканлигини таъминлайдилар. Бу усул, айниқса, сўзлашув нутқида кўп учрайди. Мисоллар таҳлиliga ўтамыз:

– Опанг... опангга ҳам ўхшайсан , - деди ўзини дарров босиб олиб.

- Опанг ҳам кўҳлик эди. - Ростдан ҳам ўхшайди опасига, - кўнглидан ўтказди Назир ота. - Кўз-қошлари опасининг ўзи. Фақат бурни ўғлимга ўхшайди. Бизнинг авлодда ҳамманинг бурни гўштдор. Буники ҳам бир оз шунақа. (Ў.Умарбеков. Кимнинг таишвиши йўқ).

Юқоридаги нутқ парчасида қаҳрамонимиз Назир отанинг субъектив муносабати аниқ тасвирлаб берилган.

Низомнинг шундай довдираб келишларидан бирида Асрора йўлини тўсиб:

— Сен ўлгур нима қилиб хира паишадек баттан кетолмай қолдинг?

— деди.

Адолат деган қиз унга кўзини қисиб, маъноли илжасийиб қўйди:

— *Вой она, унақа деманг, Низом поччамиз-ку.*

— *Ҳали шунақами? Ундай бўлса, ҳу анави боздан шафтоли ўғирлаб келсанг, почча қиламиз.*

Адолат уни жўрттага эрмак қилди:

— *Поччанинг юраклари сал қуёнчасигароқ. (С.Аъмад).*

Нутқ парчасида Низом исмли йигитга нисбатан “ўлгур”, “хира паша” каби вульгар лексемаларининг қўлланилиши орқали, қолаверса, “Поччанинг юраклари сал қуёнчасигароқ” иборасидан “ҳеч нарсани уддалай олмайдиган”, “қўрқоқ” маънолари ифодаланиши орқали салбий баҳо англашилади.

Яна бир мисол:

Ўзбек ойимнинг газаби яна ҳам аланга олади:

— *Сўзимни эшитасанми, кар?*

Отабек совуққина жавоб берди:

— *Кар эмасман, лекин сизнинг бу таклифингиз олдида ҳам кар, ҳам кўрман. Бу тўғрида сиз энди ортиқча бош оғритманг. (А.Қодирий).*

Маълумки, тилимизда “кар” (ҳеч нимани эшитмайдиган), “кўр” (кўзи ожиз — кўрмас) каби лексик воситалар нейтрал ҳиссий баҳолов компонентларига эга бўлиб, инкор коннотатив маънода қўлланилади, бундан ташқари, Отабекнинг субъектив муносабати ифодаланмоқда.

Юқоридаги мисолимизда “кар” сўзи бош қаҳрамонимиз Отабекнинг онаси саналган Ўзбек ойимнинг таъбири билан “қулоқсиз” (гап уқмайдиган) маъносини ифодалаб, инкор баҳоси контекстда ойдинлашади. Сўзлардаги асл ва кўчма маъноларнинг ўзаро таъсири имплицит модаллик яратишда асосий аъамиятга эга. Демак, баҳо муносабатини ифодалашда инсон асосий объект ҳисобланади.

Баҳо семасини ифодалашда сўз туркумларидан фойдаланиш тилшуносликдаги янги муаммо тарзида кўзга ташланмоқда. Масалан:

От сўз туркуми шахс ёки нарсанинг номини билдиришга хизмат қилишини юқорида ҳам таъкидладик. Баҳо семасини ҳосил қилишда бу жуда катта ёрдам беради. Масалан:

Жалол полвон етмиш ёшларга борган, эллик йилдан бери кураш тушади, шу пайтгача кураги ер кўрмаган полвон. (С.Аҳмад. "Азроил ўтган йўлларда".)

Маълумки, атоқли отлар айрим шахс ёки предметларнинг махсус ўзига қўйилган номлардир. Юқоридаги мисолда ана шундай атоқли отлардан бири саналган Жалол полвонга ижобий баҳо берилмоқда. Қуйидаги мисолда эса, салбий баҳони кўриш мумкин:

- *Ҳой, Ҳайдар полвон, соқи сумбатдай гавданг билан юмалаб ётибсан, уят эмасми?*

Маълумки, мавҳум отлар мавҳум тушунчани англатади. Улар кўплик қўшимчасини қабул қилмайди. Баҳо семасининг мавҳум отларда ҳам ифодаланиши мумкинлигини мисоллар ёрдамида кўриш мумкин. Масалан:

Ахлоқ-одоб – маънавиятнинг қисмларидан бири бўлиб, унинг моҳияти сифатида онгнинг асосини ташкил қилувчи эстетик қадриятлар чиқади.

Ахлоқ-одоб – бу инсоннинг ўз маънавий негизига мувофиқ ҳаракат қилиши, фикрлаши ва ҳис қилиши, бу ўз ички оламидан ташқарида бўлганларни узатиш усуллари.

Маънавият ва ахлоқ-одоб бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар. Улар йўқ бўлса шахс ва маданият инқирозга юз тутаяди. Ахлоқ-одоб деганда, умумий тамойиллар ва одамларнинг жамиятда бир-бирларига нисбатан ахлоқ-одоб нормаларининг мажмуи тушунилади. Ахлоқ-одоб

одамнинг хис-туйғулари, истак ва хулқ-атворини маълум бир оламда қабул қилинган ахлоқий тамойилларга мувофиқ тартибга солади.

Мисолимизда мавҳум от сирасига кирадиган ахлоқ-одобга берилган баҳо юқоридаги фикримизни исботлайди. Булардан кўринадики, от лексемалар фақат номинатив функциянигина бажариб қолмай, балки баҳо англатиш хусусиятига ҳам эга.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, баҳо семасининг ифодаланиши билан воқеликка ижобий ёки салбий муносабат ифодаланилади. Ўзбек тилида морфологик усул билан воқеликка ижобий муносабат билдирилади. Лексик ифодаланишда эса, ижобий муносабат ҳам, салбий муносабат ҳам билдирилади. Контекстуал усулда, одатда, воқеликка салбий муносабат билдирилади. Агар ижобий ёки салбий муносабат билдирилмаган ҳолларга нисбатан бетараф баҳо ҳақида гапирилади. Лексемаларнинг асосий қисми баҳо семаси жиҳатидан бетараф бўлади.

2.2 Белги маъносини билдирувчи лексик воситалар

Лексеманинг мазмун жиҳатида, воқеликни номлашдан ташқари номланаётган воқеликка муносабат ҳам билдирилади. Баҳо сўзловчининг объектга ёки ҳолатга бўлган ижобий ёки салбий муносабатидир³⁸. Баҳо кўпроқ белги билдирувчи лексемаларда учрайди, лекин предмет, ҳаракат, ҳолат маъносини англатувчи лексемаларда ҳам мавжуд.

Белги орқали муносабат ифодаланар экан, сифат сўз туркумини ташкил этувчи лексемаларда баҳо муносабати яққол намоён бўлади. Масалан:

- *Вой, дадажон, бувам кетиб қолдиларми?*
- *Э болам, ҳаёт шунақа экан, сен кимга зор бўлсанг, ўзини азиз қилиб интизор қилади* (“Райҳон гули” А.Саъдулла).

Мисолимиздаги “зор”, “азиз”, “интизор” лексемаларидан баҳо семасининг белги орқали ифодаланишини кўриш мумкин.

Баҳо аксиологик жиҳатдан предмет ёки ҳаракатнинг баҳосини англатар экан, бу жиҳатнинг айнан сифатларда намоён бўлиши табиий ҳолдир. Ижобий ёки салбий баҳо семасини беришда белги ифодаловчи лексемалар фаол тарзда ишлатилади. Масалан:

Қандай ёқимли тонг! Тўйиб–тўйиб нафас оласан! Бунча фусункор бўлмаса баҳор! Қишлоғимиз нақадар гўзал–а! (Газетадан).

Мисолимиздаги “ёқимли”, “фусункор”, “гўзал” сифатлари орқали ижобий маънодаги баҳони кўриш мумкин.

Сифатнинг маъновий гуруҳларидан фойдаланиб ижобий ё салбий баҳо бериш мумкин. Масалан:

Қиз тушмагур ҳам жуда шайтон экан. Афт - башараси қоп-қора, худди мўри тозалаганга ўхшайди. Ҳар кулганида оппоқ тишлари қоронгида гугурт чаққандек ялтирайди (С.Аҳмад. “Мўтти” 1961 й).

³⁸ Лукьянова Н.А. Соотношение понятия экспрессивность, эмоциональность, оценочность. Новосибирск: НГУ, 1979, с.6.

Ранг-тус сифатларидан фойдаланиб, баҳо беришда кўпроқ салбий муносабат акс эттирилади. Ижобий баҳо беришда ҳам бу сифатлардан фойдаланиш мумкин. Мисолимизда қоп-қора, оппоқ ранг-тус билдирувчи сифатлар бири салбий баҳо, иккинчиси ижобий баҳо ифодалаши билан антонимликни ҳосил қилмоқда. Яна мисоллар таҳлилига ўтамыз:

Агар, - дерлар, - кўнгил ёш эса

Оқ соч ўзи бир хусн бўлур.

Кўкраккача тушган оқ соқол

Кўзларингга нурдай кўринар.

(Ҳ.Олимжон."Дунё гўзал кўринар сенга").

Кўлимдаги шароб тўла пиёла,

Қип-қизилдир гўё баҳорги лола.

Қип-қизилдир ботаётган кун каби,

Қип-қизилдир гўё қизларнинг лаби.

(Ҳ.Олимжон."Қадах").

Мисолимизда берилган оқ, қип-қизил ранглари ижобий маънодаги белги ўхшатиш воситаси ёрдамида ифодаламоқда.

Сифатнинг маъно турларидан яна бири **хусусият** билдирувчи сифатлар бўлиб, улар орқали баҳо муносабатининг ифодаланишини қуйидаги мисол орқали кўриш мумкин:

Турғунбой авваллари ичмасди. Мўмин – қобил, ювошгина одам эди. Қўли гул ганчкор уста эди. Шаҳарнинг муҳташам саройлари у чеккан ажиб, чиройли нақшлари билан бетакрор мўжизага ўхшарди. (С.Ахмад. Қишдан қолган қарғалар.)

Мисолимиздаги *мўмин – қобил, ювошгина* сифатлари ижобий баҳо ифодаловчи лексемалар бўлиб, Турғунбойнинг аввалги хусусиятлари санаб ўтилмоқда. Бундан ташқари, *қўли гул, чиройли, муҳташам*

сифатларидан ҳам қаҳрамонимизнинг яхшигина ҳунар эгаси эканлигига баҳо берилмоқда.

Сангчани ўшанда биринчи кўришим эди. Қарасам, у тил-жағли, оёқ - қўли чаққон, сухсурдек қиз. (С.Аҳмад. Қишдан қолган қарғалар.)

Мазкур мисолимизда ҳам хусусият билдирувчи сифатлар орқали асар қаҳрамонига нисбатан ифодаланган ижобий баҳо муносабатининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Тилимизда учрайдиган **шакл-кўриниш** билдирувчи сифатлар инсоннинг турли ташқи қиёфаси ва тузилишларини, предметнинг шаклий кўринишларини билдиради. Масалан:

У пайтда хотиним озғин, бармоқлари ҳам қаламдек ингичка эди. Икки бола туққандан кейин эт қўйиб, семириб кетди. Бармоқлари ҳам йўғонлашиб қолди. (С.Аҳмад, Азроил ўтган йўлларда.)

Мисоллардаги “озғин”, “ингичка”, “семиз” каби шакл - кўринишни ифодалаган лексемаларда баҳо муносабатини кўриш мумкин.

Паст бўйли, елкалари кенг, калласи хумдек, бошида телпаги бўлганда бўйни кўринмас, телпакли калласи нақ елкасига кўндириб қўйилгандек туюларди. У ердан бир нарса топадигандек бошини эгиб юрар, қўчқорникидек дўнг пешонаси остидан олайиб қарарди. (Ш. Холмирзаев. Ҳикоялар. Қулоқ чўзма.)

Бу ерда ҳам “кенг елкаси”, “хумдек боши”, “дўнг пешонаси” бирикмаларида баҳо муносабати шакл-кўриниш сифатлари билан ифодаланган.

Нуткимизда **ҳолат** билдирувчи сифатлар орқали баҳо семасининг ифодаланилиши ҳам талайгина. Бу турдаги сифатлар инсон, ҳайвон ва предметларнинг турлича ҳолатларини ифодалайди. Масалан :

Бу одамнинг ичи тўла дард. Сиз билан биздан кўра аламли кунларни кўрганга ўхшайди. Оғир, босиқ одам экан, ёрилиб дардини айтмаяпти. (С.Аҳмад, Азроил ўтган йўлларда.)

Мисоллардаги “озғин”, “ингичка”, “семиз”, “оғир”, “босиқ” лексемаларида баҳо муносабатини кўриш мумкин.

Инсон баъзан айрим объектларга яхши ё ёмон, фойдали ё зарарли, чиройли ё хунук деб баҳо беради. Масалан:

Саодат ёшлигида жуда чиройли қиз бўлганди. Сочлари тақимини ўпарди. Тараганда шамшод тароқ ушлаган қўллари сочининг учигача етмасди. (С.Аҳмад. “Қоракўз мажнун”.)

Баҳо муносабати турли аспектларга эга бўлиб, инсон фаолиятининг алоҳида бир соҳаси билан боғланган ҳолда аниқланадиган алоқалар, боғланишлар тушунилади³⁹. Муносабатлар деганда бир бутунликнинг таркибий қисмлари - бирликлари орасидаги ўзаро алоқалар, боғланишлар англашилади. Масалан, “яхши” ва “чиройли” иккита тил бирлигини олайлик. Улар ўртасида ўхшаш томонлар билан бирга фарқли томонлар ҳам мавжуд. “Яхши” сўзи ҳам ички, ҳам ташқи томонларга нисбатан ижобий баҳо ифодалайди. Масалан:

- Ихтиёрни ҳам, Ҳамрони ҳам танийсизлар. Полвон ака биз билан санаторияда бирга даволаняптилар. У киши кўп яхши одам. Босиқ, мулоҳазали, андишали. (С.Аҳмад. “Азроил ўтган йўлларда”.)

“ Чиройли” лексемаси эса фақат ташқи томонга нисбатан ижобий баҳони ифодалайди. Масалан:

Муроджоннинг хотини Пошшақиз ниҳоятда чиройли аёл эди. Зулукдек қора қошлар, илондек тўлганган тақим сочлар, тикилган жойни куйдирадигандек ёниқ кўзлар Муроджоннинг болалигига осойишига ўт қўйган эди. (С.Аҳмад. “Сувлар оқиб кетди”.)

Пошшақизни таърифлаб, унга баҳо берилаётганда қора қошлари зулукка, тақимига тушаётган сочларини тўлғанаётган илонга.... ўхшатилиши чиройли тасвирланган. Кўриниб турибдики, таҳлил этилган сўзлар нафақат номинатив вазифа бажармоқда, В.В.Виноградов

³⁹ Арутюнова Н.Д. Сравнительная оценка ситуаций. // Серия литературы и языка. 1983, Том 42, №4. с., 330.

айтганидек, сўз фақат сўзловчининг фикр ифодалаш воситаси бўлиб қолмай, бошқа руҳий ҳолатни, ҳиссий томонларни ҳам ифода этади⁴⁰.

Масалан:

Алимардон ранги бир оқарди-ю, аммо яна ўша эрмак қилувчи кулги билан юпатди:

— *Майли, бораман, ўша қўймижоз акангизнинг уйига, сизнинг ҳам кўнглингиз қолмасин.* (Ў.Ҳошимов).

Мисолимиздаги “қўймижоз ака” ибораси ювош, мулойим йигитга нисбатан “лапашанг” маъносида қўлланган. Бу сўз бирикмасининг контекстдаги маъноси, яъни қўймижоз — мулойим, ювош сўзларининг карама-қаршисидир. Бу ерда ироник тасвир ифода этилиб, у имплицит модалликни ўз ичига олган.

Тилшунос олим Галкина-Федорук айтганидек: “Сўзлар орқали рўёбга чиқувчи ҳиссиёт кўп планли бўлиб” у баҳо муносабатини билдиради. Баҳо сўзда намоён бўлмаса бу хусусият гап ёки матн орқали аниқланиши мумкин. Масалан:

- Лолахон пахтани ёмон териб қўяди... (Б.Усмонова. “Миришкорлар”)

Мисолимизда қўлланаётган “ёмон” лексемаси аслида салбий баҳо бериш саналади, лекин бу ерда “ёмон” лексемаси аксинча ижобий баҳо, яъни Лолахоннинг пахтани кўп териши, теримчи эканлигидан, бошқача айтганда, манфийнинг инкори асосида рўёбга чиқаётганидан далолат бермоқда ва баҳо муносабати мутлақ бўлмай, индивидуал эканлиги аниқланмоқда.

Бу ҳолатни Б.Қамбаров $Neg+Neg=POS$ ⁴¹ тарзида формулага солади.

⁴⁰Виноградов В.В. Русский язык. —М., 1972. С.21.

⁴¹ Қамбаров Б. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз.автореф., —Т.,2002,

Баҳо ифодалаш О. Ахманованинг таъбирича “нутқнинг модал – тасвирий сифатини”⁴² билдиради. Бу фикр Е.М. Галкин-Федорук томонидан ҳам тасдиқланади⁴³.

Юқорида таъкидлаганимиздек, баҳо маълум баҳолаш муҳокамаси кўринишида, шу билан бирга, улар одатда баҳонинг аниқ маъносини, баҳоланаётган объектнинг айрим характерли хусусиятларини сақлаб қолади. Баҳо муносабатини кенг маънода барча туркумлар доирасида ифодаланишини ҳисобга олиб уни кенг тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Мантикий баҳонинг лисоний ифодаланиши баҳоланиш деб номланиб, сўзнинг потенциал семантик имконияти асосида юзага чиқади.

Баҳо тушунчаси эмоционаллик ва экспрессивлик ичида намоён бўлиши қатор тилшунослар⁴⁴ томонидан таъкидлаб ўтилган. Тилдаги ижобийлик ва салбийлик кишининг руҳий ҳолатига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам эмоционал-экспрессив луғавий бирликлар ижобий эмоционал-экспрессив, салбий эмоционал-экспрессив маъно ифодалаб келади.

Кўриниб турибдики, эмоционаллик ва экспрессивлик баҳони ҳосил қилувчи восита, қурол бўлиб хизмат қилар экан. Рус тилшунос олими В. В. Виноградов эмоционаллик баҳо асосида ҳосил бўлишини таъкидлаб уни субъектив баҳо деб атаydi⁴⁵.

Баҳо предикати икки асосий маънони ифодалайди: ижобий - салбий.

⁴² Ахманова А.С. Словарь лингвистических терминов. –М., 1964, с.524

⁴³ Галкина-Федорук Е.М. Об экспрессивности и эмоциональности языка.-М.,1958,с.125

⁴⁴ Галкина-Федорук Е.М. Об экспрессивности и эмоциональности языка.-М.,1958,с.102; Лукянова Н.А.Соотношение понятие экспрессивность, эмоциональность, оценочность. Новосибирск:НГУ,1979,с.29; Платонова С.И. Средства и приёмы лексической экспрессии. Автореф.дисс.канд.наук. –Якутск, 1969, с.9. Походня Языковые виды и выражении реализации иронии.

⁴⁵ Виноградов В.В. Стилистические средства слово образования. Стилистические исследования. – М.,1972. С.175.

Ижобий ва салбий маънодаги баҳо муносабатининг ифодаланиши айниқса, сифатлар орқали намоён бўлишини юқорида кўрдик. Чунки сифатларда баҳо муносабати объектга нисбатан белги нуқтаи назаридан олиб қаралади ва шунинг учун ҳам сифатлар баҳо ташувчи туркум сифатида алоҳида ўринда туради. Масоллар таҳлилига ўтамыз:

*Хусни бир дунё, юзи сутга чайқаб олингандек, кўзлари-ку...
Бу дунёда унақа кўз бўлмаса керак. Маишхур рассом Чингиз
Ахмаров уни Нанайда кўриб қолганда, бу жувоннинг кўзларида лазер
нури бор, қараган жойига ўт қўяди, деган эди. Кўчқор оҳудек
ҳуркагич шу дилбарга элакишиб қолди. Неча марта учрашувга чақирди,
келмади. Эридан қўрқди. Эри уни ҳаддан ташқари раиш қиларди.
(С.Аҳмад. Азроил ўтган йўлларда.)*

Яна бир мисол :

*Салима бунақанги совуққон, бунақанги бепарво, тепса тебранмас
одамни ҳеч учратмаган эди. (Я.Асиров. Фалак.)*

Юқоридаги нутқ парчаларидан кўринадики, биринчи мисолимизда субъектнинг объектга бўлган ижобий баҳо муносабати, иккинчи мисолимизда субъектнинг объектга бўлган салбий баҳо муносабатларини кўриш ва хулоса чиқариш мумкин.

Сифатларда баҳо ифодаловчи сўзлар хусусида гапирганда, энг аввало, улардаги баҳонинг умумий ва хусусий эканлигини таъкидлаш лозимдир. Яхши, зўр каби сўзлардаги баҳо хусусийлик маъносини билдиради. Умумий баҳо ифодаловчи сифатлар аксарият сўзларга боғланиши ва уларда баҳо муносабатини билдириши мумкин.

Сифат туркумидаги сўзларда баҳо семаси мавжуд бўлиб ўша сема асосида объект ҳақидаги баҳо муносабати ифодаланади.

... Зайнабга қолса, эҳтимолки, Кумуш ўзидан ҳам ёш чиқар эди.

— Мен қаёқдан билай ...

— Йигирмага кирдим.

— *Мендан бир ёш катта экансиз.*

— *“Сиздан, албатта, каттаман!” — деди Кумуш. (Ўткан кунлар. А.Қодирий)*

Юқоридаги нутқ парчасидан кўринадик, қаҳрамонимиз “сиздан, албатта, каттаман” дейиши билан, эрининг бош хотини эканлигини таъкидламоқчи бўлади ва кундошига нисбатан менсимаслик назари билан қараш маъносини ифода этади.

Баҳо ифодалаш нуқтаи назаридан нейтрал бўлган, кўпроқ нисбий сифатлар (баҳорги, фарғоналик, тезюар) дескриптив, баҳо семасини ташувчи зўр, аҳмоқона, ажойиб каби сифатлар баҳоли ҳисобланади. Бу каби сифатларда "яхши - ёмон" баҳо муносабати намоён бўлади: *зўр* - ижобий, *аҳмоқона* - салбий.

Сифатлардаги дескриптив баҳо муносабати нисбийлик асосида юзага чиқади ва шунинг учун ҳам улардаги баҳо хусусий баҳони билдиради. Мана шу ўринда сифатлардаги аслий ва нисбийлик хусусидаги фикрлар, ўзига хосликлар яққолроқ намоён бўлади. Шу билан бирга аслий ва нисбий деб номланган сифатлардаги муносабатларнинг диалектик боғлиқлиги, объектив ва субъектив ҳолатларнинг муносабати, умумий ва хусусий баҳо ҳамда дескриптив ва баҳоли сўзлар муносабатидаги диалектик алоқадорлик ва ўзига хослик намоён бўлади. Нисбий сифатлардаги белги метафорик кўчим асосида намоён бўлади ва объект белгига айланади: туз-тузли. Объект ифодаладиган маънодан, қолаверса, белги ифодаладиган объект сўзининг бошқа объект билдирувчи сўзга нисбатан ишлатилишидан келиб чиққан ҳолда баҳо ифодалайди: шўр олма. Бу ўринда, албатта, баҳо маъносини контекст орқали очиб берилади.

Яхши — *ёмон* прагматик категорияси сифат туркумидаги сўзларда яққол намоён бўлади. Баҳо семаси бошқа туркумларда, жумладан, от, феъл, равишларда ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолда баҳо сўз —

шакл семантикаси таркибида мавжуд бўлади. Сифатлардаги белги маъноси асосан яхши ёки ёмон баҳо асосига қурилади ва кенг планда аниқ ифодаланади. Баҳо маъноси сифатлар орқали баҳоланган сўзлар (от)нинг "яхши - ёмон" маъно муносабатини билдиради.

Баҳо маъноси эмоция мазмунининг таркибидаги сема саналиб, мураккаб семантик бутунликни ташкил этади. Бир лексемада бу каби йўналиш, яъни дескрептив ва баҳо йўналиши турлича: баъзиларида дескрептив маъно, бошқасида баҳо, учинчисида эса ҳар иккиси тенг ҳолатда бўлади.

"Яхши - ёмон" семасининг сифатларда ифодаланиши бир хил эмас. Соф баҳо ифодаланишга хосланган сифатлар билан бирга, уларда чегара сема бўлиб келадиган, баҳо бериш учун ёрдам берувчи сифатлар мавжуд. Оқ ва қора ранг билдирувчи сифатлар нисбий ҳолда баҳо билдиради. Бу каби ранглар ифодасида инсоннинг ўша белгига муносабатидан келиб чиққан ҳолда баҳо ҳис қилинади. Бу ўринда символик (рамзий) идрок асос қилиб олинади ва миллий колорит, этнолингвистик факторларга мурожаат қилинади. Оқ ва қора ўзаро зид семантик маъно ифодалар экан, антонимик жуфтликни ҳосил қилади ва шу асосда баҳо ифодалаб келади. Ранг билдирувчи сифатларнинг баъзиларида денотатив жиҳатдан баҳо (ижобий, салбий) семаси мавжуд бўлмайди: Қизил, яшил, сариқ, жигарранг ва бошқалар. Сифатлардаги шу каби хусусиятларни эътиборга олиб баҳо маъносининг ифодаланишини Б.Қамбаров қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин деб ҳисоблайди⁴⁶:

1. Соф равишда баҳо ифодаловчи сифатлар: яхши — ёмон каби.
2. Баҳо ифодалаш борасида нейтрал сифатлар: сариқ, кўк, жигарранг.

⁴⁶ Қамбаров Б. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз.автореф., –Т.,2002,

3. Белги ҳамда баҳо ифодаловчи сифатлар: бадбашара, найнов, ориқ каби.

Ўзбек тилидаги кўп сифатларда баҳо муносабатининг градуал ифодаланишини кузатиш мумкинки, бунда объектдаги белгининг нейтрал ҳолати асос (марказ) сифатида олинади ва юқорига (ижобий) ёки, аксинча, пастга (салбий) шкала асосида бўлинишини кузатиш мумкин: аъло, зўр, яхши, ўрта, дуруст, тузук, ёмон, расво. Келтирилган мисолларда ижобий, нейтрал ва салбий баҳо мавжуд бўлса-да, улардаги баҳонинг ижобий ёки салбий тарзда намоён бўлиши матнга, баҳо ифодалаш учун асос бўлган лексик бирликнинг қуршаб турган бошқа бирликлар билан муносабатини эътиборга олган ҳолда таҳлил қилинишига боғлиқ бўлиб, шундагина мантиқан тўғри хулоса чиқариш имконияти туғилади. Баъзи белги ифодаловчи сўзларда баҳонинг ижобий ёки салбий эканлигини аниқлаш мумкин бўлмайди. Бу каби белги ифодаловчи сўзлар маълум объектнинг ижобий ёки салбий муносабатини бошқа сўзлар билан боғланиб келгандагина аниқлаш мумкин. Масалан “оғир” сўзи бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий маъно англатиш имкониятига эга. Масалан:

Бу одамнинг ичи тўла дард. Сиз билан биздан кўра аламли кунларни кўрганга ўхшайди. Оғир, босиқ одам экан, ёрилиб дардини айтмаяпти.

Бу каби кўринишдаги белги билдирувчи сўзларнинг ижобий ёки салбий баҳо семасида қўлланилаётган эканлиги контекст, матн орқали аниқланиши мумкин бўлади.

Сифатлардаги баҳо семаси объект маъноси билан алоқадор бўлиб, предмет маъносини ифодаловчи сўзда ҳам баҳо семаси бўлиши мумкин.

Маълум предмет ёки ҳолат билан боғлиқ баҳони ўзбек тилида жуда кўп ўринда кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан киши хусусиятининг баҳоси мазмуний структур ўзига хос экани билан характерлидир. У тилнинг прагматик йўналишида намоён бўлади. Инсон ижтимоий турмуш тарзида

шахс сифатида марказий ўринни эгаллаганлиги ва тил кишилар ўртасидаги муаммоларни акс эттиргани сабабли инсонни турли жиҳатдан характерлаш, уни бошқалардан фарқлаш учун турли белги ифодаловчи сўзлар ишлатилади.

Агар белгининг объекти инсон ёки унинг ажралмас қисмидан иборат бўлса ҳам, унда баҳо семаси ҳосил бўлади. Бу ҳолатда инсон шахс сифатида нормал ҳолда олинади ва ўша мезондан бир оз ўзгариши баҳо маъносини ҳосил қилади.

Маълум ахборот таркибига баҳо семаси киритилганда инсон ижобий ёки салбий хусусият касб этади. Шахс воқеа жараёнида объект бўлиши мумкин ва шунга кўра баҳо семаси ҳар икки шахс билан алоқадор бўлади. Демак, шахсга берилган баҳо икки хил:

а) бевосита шахсга;

б) билвосита шахсга алоқадор бўлиши мумкин.

Масалан: *Хусни бир дунё, юзи сутга чайқаб олингандек, кўзлари-ку... Бу дунёда унақа кўз бўлмаса керак. Маиҳур рассом Чингиз Ахмаров уни Нанайда кўриб қолганда, бу жувоннинг кўзларида лазер нури бор, қараган жойига ўт қўяди, деган эди. Қўчқор оҳудек ҳуркагич шу дилбарга элакишиб қолди. Неча марта учрашувга чақирди, келмади. Эридан қўрқди. Эри уни ҳаддан ташқари раишк қиларди.*

Ушбу мисолда қизга берилаётган ижобий баҳо унинг юзи, кўзи, коматини таърифлаш орқали очиб берилаётган бўлса ва баҳо шахс хусусиятини ифодаласа, "ҳаддан ташқари раишк қилмоқ", "кўзларида лазер нури" бирикмаларида баҳо гап тиркибида маълум актантларга алоқадор бўлади⁴⁷, баҳо воқеага эмас, балки воқеадаги актантлардан биригагина тааллуқли бўлади. Юзи сутга чайқаб олинган, кўзлари лазер нури объектга баҳо берилмоқда.

⁴⁷ Здравов А. К вопросу связанности текста. Труды по знакам системам. Вып VI. -Тарту, 1973.-С.

Шахс хусусияти баҳосини бевосита ифодаловчи сўзларда инкор ёки тасдиқ маънолари ишлатилади:

Ақлли, зийрак, доно, сахий, хушмуомала, меҳнаткаш, вафодор - *ижобий баҳо*; лакма, ахмоқ, бахил, кўпол, бадбўй, дангаса, бевафо - *салбий баҳо*.

Шахс хусусияти баҳосида объект ва субъект муносабати, белги ва меъёр, мезон, ўлчов, масалалари, унинг ўрганилиши, таснифланиши масалаларининг илмий ва назарий асосланиши тилимизда баҳо маъносининг ифодаланишини аниқлаб беради. Шахс ҳақидаги тасаввурнинг реаллангуви белги орқали намоён бўлади ва шахс белгиси у ҳақда маълумот беради. Масалан, *"тилли-жағли"*, *"чаққон"*, *"чиройли"* белги билдирувчи лексемалар орқали шахс баҳосини аниқлаймиз:

Қарасам, у тил - жағли, оёқ - қўли чаққон, сухсурдек қиз. Мисолимиздан объектга нисбатан субъектнинг ижобий муносабати ўхшатиш воситасида ифодалаб берилган.

Шахс хусусияти баҳоси шахс томонидан логик - семантик нуқтаи назардан баҳоланиб, мураккаблик ҳосил қилади.

Сифатлардаги баҳо тушунчаси рус тилшунослигида 70 - йиллардан ўрганила бошланди. У тадқиқотларда "аслий сифатлар (качественный прилагательный) даги умумий баҳони ўрганиш баҳо лингвистикасини тадқиқ этишда аҳамиятли экани таъкидланди"⁴⁸.

Сифатлар белги билдиргани учун ҳар қандай белги билдирувчи луғавий бирлик предметнинг у ёки бу хусусияти икки қутб асосида ифодалаши кўп тадқиқотларда таъкидланади. Шунга кўра сифатдаги баҳо тушунчасини объект сифатида чегаралаб олиш илмий аҳамият касб этади. Ғ.Қамбаров "предмет баҳоси ўша предметнинг реалликдаги қиймати

⁴⁸ Сергеева Л.А. Прилагательные со значением общей оценки в современном русском языке// Семантика и структура предложения. - Уфа, 1978. -С.41.

асосида ижобий ва салбий бўлади, бунда ҳам қиймат асосий тушунчаси қилиб олинади”⁴⁹, деган фикрни илгари суради.

Баҳо объекти ўз хусусиятига кўра керакли, зарурий маълум талабларга жавоб берадиган қийматга эга бўлиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Шунга кўра баҳо объектга реалликдаги ўзига хос услубий мақсад учун кераклиги, зарурлиги эътиборга олинса, жойнинг "қулай"лик баҳоси фақат жумла (баъзан матн) орқали аниқланади⁵⁰. Кўриниб турибдики, "яхши - ёмон" баҳо умумий бўлиб, "ижобийлик -салбийлик" баҳо билан ассимметрик бўлиши мумкин экан.

"Яхши" мезон (нейтраллик)дан юқори эканини билдирса, "ёмон" меъёрдан паст, оз, қуйи эканини англатади. Бу баҳо муносабатлари турли интенсив шакллар билан кучайтирилиши ҳам мумкин: энг яхши - энг ёмон, жуда яхши - жуда ёмон. Энг, жуда, ғоят, бағоят, роса, ниҳоятда каби интенсификаторлар қўллаганда ҳам асимметрияни кузатиш мумкин.

Баҳо ифодаловчи сўзларнинг баъзилари ўзаро қутбий семага эга бўлмаслиги ва ўзаро антонимик жуфтликни ташкил қилмаслиги мумкин. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ижобий баҳо ифодаловчи сўзлар, салбий семаси мавжуд бўлган сўзларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади.

Кўринадик, мусбат баҳо муносабати кўп ҳолларда шахснинг ҳолатга муносабатини ифодалаб келса, манфий баҳо объектнинг асоси ва ҳаракати муносабатини билдириб келади.

Шахс хусусияти антонимиясида шахсдаги маълум белги - хусусият прогрессияси ёки регрессияси ифода этилади.

Масалан, зийрак - тентак. Бу ўринда инсоннинг ақлий хусусиятига меъёрий ҳолатга нисбатан киши онгининг ривожланган ё ривожланмаган экани асос қилиб олинади.

⁴⁹ Қамбаров Б. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз.дисс. автореф., –Т.,2002

⁵⁰ Қамбаров Б. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз.дисс. автореф., –Т.,2002

Сифат туркумидаги сўзлар умумий ва махсус баҳо билдирувчиларга бўлинади. Умумий баҳо маълум предметни шу каби предметлар сирасидаги ёки шу предмет субъектнинг эҳтиёжи, қизиқиши, эътибори нуқтаи назаридан баҳоланади: (яхши, зарур, керакли ва бошқа). Бундай сифатларда белги реал объект хусусиятини ифодаловчи бўлмайди ва шу жиҳатдан махсус баҳо маъносини ифодаловчи кўхлик, кўпол каби сифатлардан фарқ қилади. Масалан:

Бир оздан кейин эғнидаги оқ халати ўзига ярашган навбатчи врач кирди. У эллик ёшларни қоралаб қолса ҳам юзида битта ҳам ажини йўқ, кўхлик аёл эди. Ўнг чеккасида тароққа сўз бермаган зулфи қулфнусха зирагига илиниб турарди.

Умумий баҳо маъносини ташувчи сифатларнинг семантикасини ўрганиш лингвистик баҳо ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириши табиий. Негаки, баҳо ҳақидаги тушунчани ташувчи сўз туркумларидан асосийси сифат туркумидир. Умуман олганда, баҳо ҳар бир объект ҳақидаги кишининг турли муносабатларидан иборатдир. Обьектив маъно ифодаловчи барча сифатларда баҳо муносабати намоён бўлади. Предметнинг баҳо тушунчаси обьектив борликда ўша нарсанинг қийматига қараб ўлчанар экан, агар унинг хусусияти керакли, зарурий, умумий талабга жавоб берадиган бўлса, у ижобий баҳо маъносини билдиради, аксинча бўлса, салбий баҳо ифодаляди. Махсус баҳо ифодаловчи сифатлар предметлардаги хусусиятининг баҳо қийматини меъёрий ўлчов нуқтаи назардан белгиляди. Шу меъёр асосида ўша хусусият баҳоси аниқланади. Масалан, "бахил" сўзи эстетик меъёр нуқтаи назаридан салбий баҳо билдиради.

Ўзбек тилида мавжуд сифат туркумига хос луғавий бирликнинг умумий "яхши - ёмон" семаси асосига бирлашиши натижасида луғавий бирликларда "яхши - ёмон" тушунчага эга бўлиб, ҳар бир антонимик жуфтлик маълум шаклда қарама - қарши луғавий маънога эга.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат,

Лек ширин ёлғон ёмон... (Э.Воҳидов)

Келтирилган мисолда яхши - ёмон, аччиқ - ширин, ҳақиқат - ёлғон антонимлари ёрдамида баҳонинг сифат орқали ифодаланган асл намунасини кўриш мумкин.

Антонимлар ҳам бадиий нутқнинг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини таъминлашда қулай воситалардан биридир. Зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш орқали тушунчалар, белгилар, ҳолатлар, образлар зидлантирилади. Лисоний ва контекстуал ёки нутқий антонимлар бадиий матнда бир-бирига зидланар экан, айти зидлик алоҳида урғу олади, бунинг баробарида антонимик жуфтликдаги ҳар икки узв ҳам бадиий-эстетик салмоққа эга бўлади ва баҳо муносабатини ҳосил қилади.

Масалан:

Не ростки, дунёнинг ёлғонлари мўл,

Бермоғи мушкулдир, олганлари мўл,

Не гамки, кетгандан қолганлари мўл,

Гулим, рухсорингни кўролмадим бир.

(Фахриёр, “Гулим” шеъри).

Истардимки, бу кун

Бор ишни ташлаб

Бир кишини йўқлаб келсаларингиз.

Десаларингиз:

Абдиҳошим Аҳмедов,

Мунча озгинсиз,

Мунча бўлиқ гўзаларингиз...

(М.Юсуф, “Бригадир” шеъри).

Сув ичсам, кўзимдан тошади дарров,

Йиғласам, ҳолимга ўзим қуламан.

Йўқ жойдан йўлимда яратаман гов,

Жонимни оғритиб, ҳузур қиламан (И.Мирзо, “Ҳузур” шеъри).

Мазкур парчалардаги антонимлар кучли даражада поэтик актуаллашган.

Сифатлардаги баҳо муносабатини аниқлашда, энг аввало улардаги семантик майдон, лексик - семантик гуруҳ тушунчаларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Структурал ва категориаллик хусусиятларидан қатъи назар семантик майдон тушунчасини тарғиб қилувчи Г.В.Кольшанский: "Тушунча лисоний шаклда реаллашар экан маълум элементлар орқали эмас, балки бутун бошли система асосида рўёбга чиқади"⁵¹, — деб айтади.

Баъзи ҳолда объектив борлиқ гносеологик жиҳатдан субстанция (от), прецессуаллик (феъл) ва белги (сифат, равиш) категориялари орқали реаллашади" семантик майдонга субстантив, феълли адвербиал - адъективлик бирликлар киради"⁵².

Шахсни баҳоловчи луғавий бирликлар алоҳида лексик - семантик гуруҳни ташкил этиб, бундай сўзлар белги ифодалаб келади ва шахснинг ижобий ёки салбий хусусиятини билдиради.

Бундай луғавий бирликлар сифат туркумига оид бўлиб, улар семантик жиҳатдан шахс хусусиятини ифодаловчи лексик - семантик гуруҳга бирлашади.

Сифат семантикаси бўйича қилинган тадқиқотларда шахс баҳосини билдирувчи сифатлар гуруҳ сифатида ажратилган. Агар А.Н.Кононов сифатларни аслий ва нисбий сифатларга бўлиб, шахс хусусияти баҳоси маъносини 2 та гуруҳда кўрсатса:

- одам ва ҳайвонларнинг ташқи хусусияти ва жисмоний камчиликларини билдирувчи сўзлар;

⁵¹ Кольшанский Г.В. Некоторые вопросы семантики языка в гносеологическом аспекте // Принцип и методы семантических исследований. - М., 1976. - С.11.

⁴⁸ Майцук М.П. Семантический поля сознанием интерпретации оценки // Принципиальные вопросы теории знаний. Учёный записки Тартурского госуниверситети. — Тарту, 1984. - С.70.

- хулқ - атвор, руҳий ва ички ҳолатларни билдирувчи сўзлар.
И.Ҳамдамова "Сифатларнинг лексик - семантик группалари" мақоласида "Инсонга хос белги хусусият" англатувчи сифатлар гуруҳига ажратиб, уни ўз ичида:

- а) ақл ва характерга хос белги билдирувчи сифатлар;
- б) турли ҳолат англатувчи сифатлар;
- в) ташқи қиёфани англатувчи сифатлар;
- г) жисмоний камчилик - нуқсонни англатувчи сифатлар;
- д) ақлий ожизликни билдирувчи сифатлар;
- е) бирон нарсага муносабатини, эгаликни англатувчи⁵³ каби гуруҳларга ажратади.

"Ҳозирги ўзбек адабий тили"да сифат маъно жиҳатдан 6 турга бўлиниб, характер ва хусусият билдирувчи сифатлар шахсга дахлдор эканлигини кўрсатилса⁵⁴, "Ўзбек тили грамматикаси"да сифатлар асосан 9 турга ажратилади. Шундан "Характер— хусусият, хосса билдирувчи сифатлар" бўлимида кишиларга хос ижобий ва салбий хусусиятларни ифодаловчи лексемалар қуйидагича ажратилган:

- а) инсон характер хусусиятига хос ижобий сифатлар;
- б) кишига хос салбий характер хусусиятларни билдирувчи сифатлар;
- в) кишилар ҳамда предмет хусусияти учун бирдек қўлланилаверадиган сифатлар;
- г) табиий ҳолат белгилари;
- д) жисмоний ёки физик ҳолатларни ифодаловчи сифатлар;
- е) руҳий ҳолатни ифодаловчи сифатлар;
- ё) кишининг ҳаётий ҳолатини ифодаловчи аҳволини ифодаловчи сифатлар⁵⁵.

⁵³ Ҳамдамова И. Сифатларнинг лексик — семантик группалари // Ўзбек тили ва адабиёти. — 1964. —4 —сон. —Б. 23.

⁵⁴ Ҳозирги ўзбек адабий тили / Коллектив. — Т.: Ўқитувчи, 1980.

⁵⁵ Ўзбек тили грамматикаси. — Т.: Фан, 1975. 1 том. —Б.301—303.

Юқоридаги гуруҳланишлар сўзнинг лексик — семантик гуруҳларига алоқадор бўлиб, ўзбек тилшунослигида маълум умумлаштирувчи семалар асосида сифатларни гуруҳлаш бир қатор тадқиқотларнинг ўрганиш объекти бўлган. (Бу нарса А.Н.Кононов, З.Маъруфов, О.Мадрахимов, М.Содиқова, И.Ҳамдамова ишларида, қатор дарслик ҳамда қўлланмаларда кўзга ташланади.) Лекин шахс хусусиятининг баҳо нуқтаи назаридан ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилиши энди бошланмоқда. Бу каби тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида логик - семантик жиҳатдан ёндашиш, тилнинг прагматик хусусиятларини ўрганиш асосида юзага келган йўналишлардан саналади.

БОБ бўйича хулоса

1. Лексеманинг мазмун жиҳатида, воқеликни номлашдан ташқари номланаётган воқеликка муносабат ҳам билдирилади. Баҳо муносабати турли аспектларга эга бўлиб, инсон фаолиятининг алоҳида бир соҳаси билан боғланган ҳолда аниқланадиган алоқалар, боғланишлар тушунилади.

2. Лексеманинг мазмун жиҳатида асосий ҳодиса - лексик маъно; баҳо семаси асосан уч хил ифодаланади:

- 1) морфема ёрдамида;
- 2) лексеманинг ўзи билан;
- 3) контекст ёрдамида.

3. Баҳо муносабатини ифодаланишида субъектив баҳо биринчи даражали бўлиб, бу айниқса, сўзлашув нутқида кўп учрайди.

4. Баҳо семасини ифодалашда сўз туркумларидан фойдаланиш тилшуносликдаги янги муаммо тарзида кўзга ташланмоқда.

5. Баҳо семасининг ифодаланиши билан воқеликка ижобий ёки салбий муносабат ифодаланилади. Лексик ифодаланишда ижобий

муносабат ҳам, салбий муносабат ҳам билдирилади. Контекстуал усулда, одатда, воқеликка салбий муносабат билдирилади. Агар ижобий ёки салбий муносабат билдирилмаган ҳолларга нисбатан бетараф баҳо ҳақида гапирилади. Лексемаларнинг асосий қисми баҳо семаси жиҳатидан бетараф бўлади.

6. Мантиқий баҳонинг лисоний ифодаланиши баҳоланиш деб номланиб, сўзнинг потенциал семантик имконияти асосида юзага чиқади. Баҳо тушунчаси эмоционаллик ва экспрессивлик ичида намоён бўлади.

7. Умуман олганда, баҳо ҳар бир объект ҳақидаги кишининг турли муносабатларидан иборатдир. Объектив маъно ифодаловчи барча сифатларда баҳо муносабати намоён бўлади. Предметнинг баҳо тушунчаси объектив борликда ўша нарсанинг қийматига қараб ўлчанар экан, агар унинг хусусияти керакли, зарурий, умумий талабга жавоб берадиган бўлса, у ижобий баҳо маъносини билдиради, аксинча бўлса, салбий баҳо ифодалайди. Махсус баҳо ифодаловчи сифатлар предметлардаги хусусиятининг баҳо қийматини меъёрий ўлчов нуктаи назардан белгилайди. Шу меъёр асосида ўша хусусият баҳоси аниқланади.

III. БОБ. БАҲОНИНГ ҲАРАКАТ ВА ҲОЛАТ ЁРДАМИДА ИФОДАЛАШИ

3.1. Ҳаракат маъносини билдирувчи лексик воситалар.

Ўзбек тилшунослиги тарихида мутахассислар диққатини энг кўп жалб қилган сўз туркумларидан бири феълдир. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида ҳам, “Ат-тухфатуз закияти фил- луғатит турк” асарида ҳам, Фитратнинг “Сарф” асарида ҳам феъл туркуми бўйича атрофлича маълумот берилган. Феълнинг семантик томондан ҳаракат билдириши, грамматик томондан эса шахс-сон, бўлишли-бўлишсизлик, замон шаклларига эга бўлиши ҳақида фикр юритилади⁵⁶.

Таниқли олим Аюб Ғуломов феълнинг мазмуний томонига алоҳида аҳамият берган ҳолда уларни семантик тамойил асосида икки гуруҳга ҳаракат феъллари ва ҳолат феъллари⁵⁷га бўлади. Ўзбек тилшунослигида феълларни бундай гуруҳларга ажратиш ҳам феъл семантикасининг шаклланишида илк қадам эди.

Феъл лексемалар шахс ва предмет ҳаракати маъносини англатиб келади. Феъл лексемалар фикрга якун ясашга хизмат қилади. Шунга кўра инсоннинг ҳаракати, ҳолати ва бошқа турли хусусиятлари билан боғлиқ маънолар феъл лексемаларда мужассамлашган бўлади. Чунки феъл энг фаол сўз туркуми ҳисобланиб, гап қурилишида ҳам марказий ўринни эгаллайди. С.Д. Канцельсоннинг таъкидлашича маъно планида феъл предикатлар оддий лексик маънога нисбатан кенгрокдир. Феъл предикатлар маълум лексик маънони ифодалаш билан бир қаторда, ўзида бўлажак гап макетини ҳам акс эттиради. Феъл предикатлар маълум “бўш

⁵⁶Нурмонов А.Тилшунослигимиз яловбардори. - Т., 2012. 30-б.

⁵⁷ Ғуломов А. Феъл. –Т.,1947.

ўрин”ларга эга бўлиши билан бирга ўзи ҳам мазмуний жиҳатдан маълум мазмуний парадигмага эга бўлади⁵⁸

Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида ҳам майдон назарияси алоҳида лингвистик йўналиш сифатида шаклланганлиги ва унда бошқа сатҳларга қараганда лексик сатҳга эътибор кўпроқ қаратилаётганлигини кўришимиз мумкин⁵⁹. Агар шахс билан боғлиқ бўлган феъл лексемалар бутун бир система сифатида қаралса, уни баҳо англатувчи ва баҳо учун бетараф тарзида икки гуруҳга ажратиш имконияти туғилади. Баҳо англатувчи феъл лексемалар алоҳида майдонни ташкил этади. Шу боис инсоннинг инсонларга муносабатини англатувчи семантик майдонлар бошқа майдонларга қараганда кўп ва кенг кўламли бўлади⁶⁰.

Ҳозирги тилшуносликда феълларнинг ҳамма эътироф этган мазмуний таснифи мавжуд эмас. Турли принципга кўра турлича тасниф қилинади (денотатив, парадигматик, синтагматик аспектда)⁶¹.

Парадигматик нуқтаи назардан феъл инвариант маънога кўра тасниф қилинади. Бунга мувофиқ, ҳаракат (фаолият), ҳолат, хусусият, муносабат феълларига ажратилади⁶²

Тилшунос олим А.Нурмонов ва бошқалар томонидан яратилган "Ўзбек тилининг назарий грамматикаси" (Морфология) ўқув қўлланмасида феъл лексемаларнинг англатган маънолари эътиборга олиниб, ўнта мазмуний гуруҳларга ажратилган⁶³.

⁵⁸ Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд,- Т.,2012, 345-б.

⁵⁹ Искандарова Ш.Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (Шахс микромайдони): Филол... фанлари д - ри ... дис. автореф. - Т., 1999; Собиров А.Ш. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол... фан. док.- ри ... дис. автореф. - Т., 2005; Ҳожиёва Ҳ.Я. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний - нутқий хусусиятлари: Филол. Фан. номзоди ... дис. автореф. - Самарканд, 2001.

⁶⁰ Собиров А.Ш.Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ қилиш. — Т.: Маънавият, 2004. —Б. 107.

⁶¹ Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд,- Т.,2012, 345-б.

⁶² Богданов В.В.Семантико-синтаксическая организация предложения; Чаиф У.Л.Значение илтимоснома структура языка. —М.,1979. —С.116-120; Сильницкий Г.Г. Семантические типы ситуаций илтимоснома семантические классы глаголов// Проблемы структурной лингвистики. —М., 1973. С.373-390; Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд,- Т.,2012, 345-б.

⁶³ Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Морфология) / Коллектив.- Т.: Янги аср авлоди, 2001.-Б.61-63.

Б. Қамбаровнинг “Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши” деб номланган тадқиқот ишида шахслар ўртасидаги баҳо муносабатини ифодалаш учун хизмат қилувчи феъл лексемаларни таснифлашда шахс баҳосини ифода этувчи феъл лексемаларни еттита гуруҳларга ажратиш мумкин деган хулосага келган. Булар: шахснинг умумий ҳолатини кўрсатувчи; жисмоний ҳаракат билан боғлиқ; нутқ билан алоқадор; сезиш билан боғлиқ; тафаккурни англлатувчи ; рухий ҳолат англлатувчи ҳамда инсоннинг иқтисодий шароити билан боғлиқ феъл лексемалардир.

Инсоннинг умумий ҳолатини кўрсатувчи феъл лексемалар унинг яшаш жараёнига алоқадор тушунчаларни ифодалайди. Бу ҳолат баҳо муносабатида янада ёркинроқ кўринади. Масалан:

Йигит ҳайрат билан унга қаради: Абдулваҳоб! Қорайибди, озибди. Ёноқ суяклари туртиб чиқиб кўзлари киртайиб қовоқлари салқиб қолибди. Фақат овози ўзгармабди. Юзидаги кулгичи ҳам сал сезилиб турибди..... Кўришишиди. (Тоҳир Малик.”Фалак”)

Берилган мисолда “қорайибди”, “озибди”, “туртиб чиқиб”, “киртайиб” “салқиб қолибди”, “сезилиб турибди”, “ўзгармабди” каби феъл туркумига оид сўзлар ёрдамида баҳо муносабати ифодаланган.

Яна бир мисол:

Тонгда уфқ қонталаш эди. Гўё кимдир кеча тўкилган қонларни бир идишга эринмай тўплагану, туни билан эрмак қилиб осмон этагини бўяб чиққандай...Хушкайфият одам учун тонг отишини кузатишдан завқлироқ юмуш йўқ. Ҳатто энг уйқучи одам ҳам тонгда қушларнинг сайрашини бир эшитади. Эшитиб бир роҳатланадию, сўнг уйқусини давом эттираверади. (Т.Малик .”Шайтанат” 2 китоб)

Бу мисолда уфқнинг тонгдаги ҳолати сифатдошнинг -ган кўшимчаси, ўхшатишнинг гўё, -дай шакллари ёрдамида баҳонинг ифодаланишини кўриш мумкин.

Лексик бирликлар муайян бир синтактик бирликда эстетик яхлитланиб, эмоционал конденсацияни юзага келтиради⁶⁴:

Сарваров тўнғиллади:

– *Иккинчи чиқишимда ушлаши керак эди. Биринчи чиқишимдаёқ ушлаб ўтирибди бу мияси айниган чол! (С.Ахмад).*

– *Тилимни қичитма, жўжаҳўроз! Айтмадимми, кузда қийқиллаб столнинг тагига кириб кетасан, деб... Эҳ-э, сенинг хўроз бўлишингга ҳали ўн тўрт процент бор. Баҳорда гариллаб ҳеч кимга сўз бермагандинг. Менга, кеккайма, дегандай шама қилдинг-а! (А.Қаҳҳор)*

Мисолдаги “тўнғиллади”, “Тилимни қичитма, жўжаҳўроз”, “Айтмадимми”, “столнинг тагига кириб кетасан”, “гариллаб ҳеч кимга сўз бермагандинг”, “кеккайма”, “шама қилдинг” каби ҳолатларда инсон фаолиятига доир феъл лексемалар салбий маъно кўринишига эга бўлмоқда.

Инсон ҳаётда маълум даврда яшайди. Шу даврда у ўзидан қолдирган хислатлари, меъроси ва қатор ишлари билан бошқалар қалбидан ўрин эгаллайди. Умри тутаганидан сўнг субъект объектнинг ўлимини ифодаловчи феъл лексемалардан бирини танлаш учун унинг ҳаётлик давридаги фаолиятини инобатга олиб, муносабат билдиради. Ўлим билан боғлиқ бўлган учди, ўлди, вафот этди, бандачилик қилди, оламдан ўтди, раҳматли бўлди, ўтди, у дунёга рихлат қилди, дўзахга дўмбира бўлди, картошка кавлагани кетди (сўзлашув тилида) каби лексик ва фразеологик — бирликлардан бирини танлайди. Шу ўринда бир нарсага эътибор бериш керакки, мусулмон динида вафот этган киши орқасидан салбий муносабат билдириш ижобий фазилат саналмайди. Шунга кўра ўлим билан боғлиқ салбий баҳо маъносини берувчи феъл лексемалар ва фразеологик бирликлар кам қўлланилади.

Бир грамматик шаклнинг бошқа грамматик шакл ифодаси учун

⁶⁴ Юлдашев М. М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи, филол. фан. док. дисс. - Т., – 2008, 217-б.

қўлланилиши натижасида ҳам баҳо муносабатининг актуаллашуви намоён бўлади. Масалан, А.Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясида амин нутқидаги сўроқ гап ўрнига буйруқ гап ёки буйруқ ифодаси учун мажхул нисбат шаклининг қўлланилганлигини кўриш мумкин:

- *Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин! (...) – Суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан чашина олиб келинмадимми? (...) – Ҳа, ҳўкизни уйларига элтиб берилсинми?! Ахир, борилсин, арз қилинсин-да! Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади!*

Бу суҳбатнинг қаерда ва қандай одамлар ўртасида бўлиб ўтаётганига эътибор берилса, феъл нисбатларининг қўлланиши асосидаги ифоданинг мақсади равшанлашади. Савол берувчининг воқеликка арзимас нарсага қараётгандек бепарво муносабати, феъл-атворидаги кибр ва манманлик танланган морфологик шакллар орқали беҳад аниқ ифодаланган. Айни морфологик шакллар амин нутқида пичинг, кесатик ва масхара оҳангининг юқори даражада тасвирланишига кўмаклашган.

Санаб ўтилган бирликлар маъно таркибида салбийлик семасининг кучли эканлиги сезилиб турса-да, контекст ва шароит билан боғлиқ тарзда ижобий баҳо намоён бўлиши ҳам мумкин. Баъзан бир вақтнинг ўзида мантиқан олиб қаралганда ҳам ижобий, ҳам салбий баҳо бериш имконияти туғилади:

Зухрани суриб, ўғлини тўхтатди - да, юзлаштириш баённомаси - кўзи аралаш қулочкашлаб урди. (Ў.Умарбеков)

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, *урмоқ* кўпроқ умумий маънодаги таъсир ўтказишни англатувчи лексик бирлик ҳисобланади. Таъсир кўрсатишлик кимга ва нима сабабдан эканлигига қараб ижро бажарувчисига ижобий ёки салбий баҳо касб этиши мумкин. Ҳукм чиқариш эса тингловчига, унинг дунёқараши, билими, ёши, жинси,

миллати ва яна қатор омилларига боғлиқ ҳолда турли шаклда намоён бўлади. Масалан:

Қамариддин отилиб келиб унинг бўйнига пичоқ санчди.
(Т.Малик)

Урмоқ феъл лексемаси санчмоқ лексемаси билан синоним бўла олиш имкониятига эга. Бирор шахсга пичоқ уриш, санчиш бу ишни қилган одамга нисбатан салбий баҳо муносабатини беришга асос бўлади. Лекин ушбу кўнгилсиз воқеанинг юзага келиши билан танишиб чиққан ўқувчи ўз муносабатини (ижобий ёки салбий шаклда) билдириши табиий. Онаси билан дон олишиб юрган "дадасининг дўсти"га нисбатан Қамариддиннинг бундай ҳаракатини қоралаш қонунга тўғри келмайдиган иш эканлиги ва шахсни ўлдириш ўринсиз эканлиги билан изоҳланса, уни ёқлаб чиқишни бошида эри бўла туриб бошқа эркак билан яқин муносабатда бўлган онасига ва "дадасининг дўсти"га нисбатан нафрат, ўзбекона йигитлик ғурури эканлиги билан изоҳлаш мумкин:

Гапни тутатишга улгурмасдан Асадбек уни гирбонидан олади. Асадбек Элчиннинг гирбонидан қўлини олди - ю, ўша заҳоти жағига мушт туширди. Ўзини ўнглашга улгурмай, Кесакполвоннинг тепкисини еди.
(Т.Малик)

Келтирилган мисолдаги *бўзди (гирбонидан олди), муштлади, тепди* жисмоний таъсир ўтказиш маъносини берувчи феъл лексемаларда денотатив жиҳатдан салбий баҳо маъноси борлиги сезилиб турибди ва ана шу ҳаракатни амалга оширган кишига нисбатан субъектнинг салбий муносабати кўрсатиб ўтилади.

Инсониятга берилган, бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи фазилатларидан бири алоқа — аралашув жараёнида тил бирликларидан фойдаланиб, нутқий вазиятни вужудга келтиришидир. Нутқ билан боғлиқ гапирмоқ, суҳбатлашмоқ, сўрамоқ, суриштирмоқ каби феъл лексемалар баҳо бериш учун бетараф ҳисобланса ҳам матн таркибида баҳо бериш

учун кўлланилаётган лексеманинг маъносини юзага чиқишига баҳо беришга кўмаклашувчи восита сифатида иштирок этади. Масалан :

Подшо бир кеча алоқ-чалоқ туш кўриб, эртаси аъёнларидан таъбир сўрабди. Аъёнлари тушни таъбирлаб: “Барча қариндош-уруғларингиз қирилиб, дунёда ёлғиз ўзингиз қоларкансиз” дейишибди. Подшо уларни ўлимга буюрибди. Шунда доно бир вазири бу машъум тушни шарҳлаб: “Шоҳим, сиз ҳамма қариндош-уруғларингиздан узоқроқ умр кўраркансиз”, - дебди. Хурсанд бўлиб кетган подшо унга бош-оёқ сарпо тухфа қилган экан (Э.Аъзам, “Отойининг туғилган йили”).

Кўриниб турганидек, мазмуний эҳтиёжга кўра ривоят матнга олиб кирилган, бошланғич жумладаги аъённинг жавобидан унинг ўлимга маҳкум этилиши, иккинчи аъённинг жавобидан эса подшо унга бош-оёқ сарпо тухфа қилганлиги орқали бир гапнинг иккинчи гапга боғланишини лисоний жиҳатдан таъмин этган. Қолавеса, подшо биринчи аъённинг жавобини салбий баҳо, иккинчи аъённинг жавобини ижобий баҳо сифатида қабул қилади. Ёзувчи таъкидламоқчи бўлган фикр бадий иллюстратив материал билан далилланган.

Баъзан маҳоратли ёзувчилар қаҳрамонлар руҳиятидаги контрастликни бўрттириб тасвирлаш мақсадида муайян бир контекстуал синонимик қатордаги бир неча сўзни бошқа бир контекстуал синонимик қатордаги бир неча сўзга бирданига зидлантирадилар. Натижада баҳонинг бетакрор кўриниши яратилади. Масалан:

У вақтда ўзи – кулди, очилди, қувонди, гердайиб, осмондан қараб қадам босди... Хадичахон эса эзилди, куйди, ўртанди, хўрланиб – хўрланиб, аччиқ – аччиқ йиғлади. (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи)

Юқоридаги нутқ парчасида феъл сўз туркумига мансуб бўлган *кулди- куйди, очилди- эзилди, қувонди- ўртанди, гердайиб- хўрланиб, осмондан қараб қадам босди- аччиқ – аччиқ йиғлади* ҳолатларда бир-

бирига карама-қарши лексемаларни келтириш билан баҳо муносабати ёрқин намоён этилган.

Феъл орқали баҳо муносабатини ўрганаётганимизда яна бир нарсага гувоҳ бўлдикки, макон ва замон бирлиги тушунчасига ҳам эътибор бериш керак. Ҳар қандай асар давр ва макон билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Тарихий мавзудаги асар тилида муайян замон руҳини ташувчи воқеаларнинг қайси маконда, қандай муҳитда юз бераётганини ойдинлаштирувчи лексик-грамматик birlikлар иштирок этади. Макон ва замон бирлиги тушунчаси бадиий асаргагина хос белги эмас. У ҳар қандай матн кўринишига тааллуқлидир. Ушбу тамойил асосида таҳлил олиб борилаётганда матн ёзилган давр, матнда кўтарилган мавзу ва матн birlikларининг табиатига қараб диахрон ва синхрон аспектлардан бири танланиши керак⁶⁵. Бунини йирик сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясидан олинган қуйидаги парча асосида кўздан кечирамиз.

– Ҳа, сигиринг йўқолдимми?

– Йўқ... сигир эмас, ҳўкиз, ола ҳўкиз эди.

– Йўқолмасдан илгари бормиди? Қанақа ҳўкиз эди?

– Ола ҳўкиз...

– Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?

– Қўш маҳали...

– Яхши ҳўкиз биров етакласа кетаберадимми?

– Бисотимда ҳеч нарса йўқ...

– Ўзи қайтиб келмасмикин?... Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да. Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!.

Бу суҳбат қаерда, қайси даврда, қандай одамлар ўртасида бўлиб ўтаётганлигини келтирилган ушбу кичик парчадан ҳам билса бўлади.

⁶⁵ Ўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. док-ри дисс.автореф. – Т., 2008.

Савол ҳам қисқа, жавоб ҳам. Савол бериш тарзида кибр, менсимаслик, воқеликка арзимас бир нарсага қараётгандек бепарво, салбий баҳо муносабати сезилади. Пичинг, кесатиқ ва масхара оҳанги аниқ акс этган. Жавобдан эса қаҳрамоннинг соддалиги, фақирлиги англашилади. Сухбат амин ҳузурида бўлиб ўтяпти. Шунга мувофиқ расмий нутқ элементларидан фойдаланилган.

Айниқса, *Ўзи қайтиб келмасмикин?... Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да* деганда ўзини меҳрибон одамдек тутиши, *Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!* парчасида мажхул нисбатдан фойдаланиб лексеманинг ўринли қўлланганида ёзувчининг усталик билан ўз маҳоратини кўрсата олганлигидан ўша даврга, объект ва субъектга бемалол баҳо бериш мумкинлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Қолаверса, объект ва субъект муносабатлари ҳамда уларнинг ифодаланишида тил воситаларининг иштироки, актуаллашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ҳам баҳо беришга кўмаклашади.

Маълумки, тафаккур феъллари руҳий фаолият феъллари майдонининг идрок қилиш феъллари микромайдонига тааллуқли бўлиб, фақат инсон ҳаёти билан боғлиқ тарзда рўёбга чиқади. Тафаккур феъллари ҳам шахс баҳосини ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай маънони англатувчи феъл лексемаларнинг аксарият қисми шахснинг ижобий баҳосини намоён этиб келади. Улар *англамоқ, тушуноқ, уқмоқ, билмоқ, фаҳламоқ* каби синонимик қаторни ҳосил қилиш билан бирга уларнинг ҳар бири маъноли лексик бирликлар эканлиги туфайли ҳам баҳо ифодалашга қулайлик яратади.

Инсоннинг ҳолатини ифодаловчи руҳий — психологик фаолиятига алоқадор феъл лексемалар ҳам шахс баҳосини кўрсатишда аҳамиятли саналади ва муайян семантик

майдон ҳосил қилувчи айни ҳолат феъллари қандай муносабатни қайд этишига кўра 2 турга ажратилади:

1. Ижобий муносабат ифодаловчи психик ҳолат феъллари;
2. Салбий муносабат ифодаловчи психик ҳолат феъллари⁶⁶.

Сўнгра кенг адирга кўтарилиб сувсиз ерда баҳорги бугдойнинг мавж уриб ўсаётганидан завқланди. (С.Солиев)

Инсоннинг завқланиши унинг руҳиятига боғлиқ психологик жараён саналиб, қандай завқланиши кишининг билими, дунёқараши, яшаб турган жойи, қилаётган иши ва қатор омилларга боғлиқ тарзда рўёбга чиқади. Хусусан, айрим кимсалар табиат ва жамиятга зарар етказиб, шундан завқланиши мумкин:

Санобар эрининг ишдан бўшаганини эшитиб, аввал шонмади. Кейин боши осмонга етиб севинди. (Ў.Умарбеков) Санобарнинг севинишига сабаб: эрининг ишдан бўшаб унинг ва болаларининг ёнида бўлишлиги. Демакки, субъектнинг объектга бераётган баҳоси Санобарнинг кўнглидаги иш бўлди маъносида ойдинлашмоқда:

У ҳар гал ана шундай толиққан пайтларда қўлидан кетмонини оладиган азамати йўқлигини эслаб эзиларди.

Эзилмоқ — куйинмоқ, ачинмоқ, куймоқ, ташвиш тортмоқ (ЎТИЛ. II том. Б — 439) каби маъноларни биддиради. Келтирилган мисолдаги *эзилмоқ* лексемаси куймоқ, алам қилиб бўғилмоқ ва бошқа шунга ўхшаш маъноларнинг қай бирига тўғри келишидан қатъи назар салбий баҳони юзага чиқармоқда.

⁶⁶ Расулов Р. Ижобий муносабат ифодаловчи руҳий ҳолат феъллари ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. — 2003. — 1 — сон. — Б.27.

3.2. Ҳолат маъносини билдирувчи лексик воситалар

Ҳаракатнинг белгисини англатадиган лексемаларга равиш лексемалар туркуми дейилади. Равиш лексемага шакл ўзгариши хос эмас, шунга кўра феъл лексемага тўғридан - тўғри боғланади⁶⁷. Равиш туркуми доирасига кирувчи лексемалар белги англатиш хусусиятларига эгаллигига кўра сифатга яқин туради. Сифат предмет белгисини билдирса, равиш лексемалар иш - ҳаракат ва ҳолат белгисини билдириши билан фарқланиб туради, яъни у кўпинча феълга боғланиб келади.

Кишилар томонидан бажарилувчи иш-ҳаракат қай тарзда, қай ҳолатда ва қайси мақсадларда амалга оширилаётганлиги равиш лексемалар орқали ифодаланади. Шу билан бирга бу лексик бирликда иш-ҳаракат бажарувчисига баҳо бериш ишораси ҳам сезилиб туради.

Масалан :

Энди буёғига Полвон кўзим кўр, қулоғим кар деб яшашига мажбур. Қийин, жуда қийин бундоқ қилиш. На илож! (С.Аҳмад. Азроил ўтган йўлларда).

Шу пайт Гуландом келиб қолди. Қайнотаси билан йиғлаб кўришди. У энди ўзини олдирган, кўзи тағларида, иягининг пастида майда ажинлар пайдо бўлган. Аввалги шиддати йўқ. Йиғидан ҳўл бўлган киприклари орасида илгари чақнаб турадиган ўт сўнгандек эди. Овози ҳам сўлгин. Шу бир ой ичида сўлиб, эртанги тақдиридан умидини узган афтодаҳол бир алфозда эди. (С.Аҳмад. Азроил ўтган йўлларда).

Берилган мисоллардаги “кўзим кўр, қулоғим кар”, “йиғлаб”, “чақнаб турадиган ўт сўнгандек”, “сўлгин”, “умидини узган афтодаҳол” каби сўз ва сўз бирикмаларида иш - ҳаракат ва ҳолат белгиси баҳо орқали намоён этилган.

⁶⁷ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т.,2010. 221-б.

Равиш лексемаларда шахс баҳосининг ифодаланиши унинг қуйидаги кўринишларида мавжуд:

1.Ҳолат билдирувчи равиш лексемаларда шахс баҳосининг ифодаланиши: аста, секин, аранг, зимдан, ботирларча, дўстона, кўр- кўрона, мажбуран, нари- бери каби.

Сиз ўшами? ифодаси А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги жуда нозик ва дилбар ҳолат муҳри сифатидаги реплика-тасвирдир, уни романнинг “Кутилмаган бахт” бобида ўқиймиз: ...*Титраган ва қовжираган бир товушда:*

– Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?! – деди бек, Кумушбиби шу чоққача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди. Мажбурият остида, ёв қараш билан секингина душманига қаради... Шу қараишда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг тинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

– Сиз ўшами?

– Мен ўша! – деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига беихтиёр термулишиб қолдилар.

Мисолдаги “эсанкираган”, “ҳаяжонланган”, “мажбурият остида”, “ёв қараш билан”, “секингина” сўзлари орқали ҳолатга чиройли баҳо берилган.

Э.Воҳидов “Қитъа”сида чиройли сўз ўйини қилиш асосида нозик кулги, ҳажвни юзага келтириш учун фойдаланган:

Қалбга истарсан шифо гар, бўл ёмон сўздан йироқ

Корвалол ичмоқ керакмас, кар ва лол бўлмоқ керак.

Омонимлар асосида юзага келадиган оҳангдошликдан бадиий матнда алоҳида поэтик актуаллашув воситаси сифатида фойдаланилади. Шаклан бир, аммо маъноси тамоман фарқли сўзлар бирданига диққатни тортади,

маънан кенгаяди. Қуйидаги мисолларда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин:

Дўстлар эшигимни юз бора қоқар,

Эшик қоқмай кирар мактуб бир қиздан.

Гоҳо жонга ёқар, гоҳ жонни ёқар...

Ёлғизман... (И.Мирзо, “Ёлғизман” шеъри)

Мисоллардаги “кар” ва “лол”, “ёқар” лексемаларидан ҳам ҳолатга берилган баҳо муносабатини кўриш мумкин.

Унинг кўзлари мулойимгина сув устига оғдилар, ариқнинг мусаффо тиниқ суви ёввошгина оқиб келар, Кумушбибининг қаришисига етганда гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўтирган соҳиранинг сеҳрига мусаххар бўлган каби тагин бир каттароқ доирада айлангач, оҳистагина кўприк остига оқиб кетар эди (А.Қодирий, “Ўтган кунлар” романи).

Айёрликда уччига чиққанман деб мақтансам ёлгон эмас (Ойбек). ...Ўзим шу байтни яккахонлик қилмоқдаман: Дарди йўқ – кессак, ишқи йўқ – эшишак! (А.Қодирий, “Дарди йўқ – кессак, ишқи йўқ – эшшак” хангомаси).

Оғзаки нутқда турли сабабларга кўра айрим сўзлар, асосан, ўзлашма сўзларни бузиб талаффуз қилиш ҳолатлари мавжуд. Бундай хато сўзловчининг ўзлашган сўз имлосини тўғри тасаввур қилмаслиги, бошқа миллатга мансублиги, паронимларни фарқламаслиги натижасида юзага келади, деб изоҳлаш мумкин. Бадиий асарда бу усулдан қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш ҳамда ифодани оғзаки - жонли нутққа яқинлаштириш мақсадида фойдаланилади. Бунда сўзловчининг индивидуал талаффузига хос хусусиятлар график қайд қилинади, ёзувдаги бундай қайд “графон” деб ҳам юритилади.⁶⁸ Айрим ўринларда

⁶⁸ Қар.: Кухаренко В.А. Кўрсатилган асар. – С. 17-18.

кулги қўзғатиш мақсадида ҳам сўзлар атайин бузиб талаффуз қилинади ва ўша тарзда ёзилиб, ҳолатга ижобий ёки салбий баҳо берилади.

Масалан:

Сабри чидамайин учгунча,

исташиб парвозни,

учаман до-о-о-дд деб,

Заминга қайтолмай юрганлар озми? (Фахриёр).

Ортиқ жиззаки кўринмаслик учун бос-и-иқ товуш билан деди...

(П.Қодиров). *Узо-оқ йўл, аҳйо-онда бир келади, қато-ор иморатлар, ўйла-аб турсам, ўғлим, дунёни иши қизиқ (А.Мухтор)*

Ҳолат билдирувчи равиш лексемалардан *аста* лексемасининг (ЎТИЛ.1 том, Б.60) беш хил маънода қўлланиши кўрсатиб ўтилган. Шундан *секин, шошмасдан, шошилмасдан авайлаб, имиллаб* маъноларида қўлланганда баҳо муносабати юзага келади.

Имиллаб юриш, иш қилиш, ҳаракатланиш салбий баҳо учун асос бўлади. Чунки имиллашнинг ўзида денотатив жиҳатдан салбийлик маъноси мавжуд. Масалан: *Суст мусулмондан, чўрт кофир афзал.* (Мақол)

Диний эътиқодимизга кўра мусулмон киши ғайридинлардан, кофирлардан, устун қўйилган. Ҳеч қачон мусулмондан кофир афзал деб айта олмаймиз. Лекин имиллаб ҳаракат қилиш, сусткашликка йўл қўйиш яхши эмаслиги эътиборга олиниб, шартта иш қиладиган, дадил ҳаракатга эга бўлган кофирнинг мусулмондан юқори қўйилиши мусулмонга нисбатан салбий баҳо берилишига асос бўлмоқда.

Кофир лексемаси мусулмон кишиларига нисбатан қўлланса, салбий баҳо маъносини беради. Аммо бу ўринда чўрт кофирнинг афзал қўйилиши суст мусулмондан кофирда мавжуд бўлган салбийлик маъносидан ҳам юқори салбий баҳо берилаётганини кўрсатмоқда.

Пайт маъносини ифодаловчи равиш лексемаларда шахс баҳоси: дастлаб

(бошлади), эрта, кеч *каби.*

Эрта ва кеч антонимик жуфтлик ҳосил қилувчи равишларда ҳам мантиқий жиҳатдан ижобий ҳамда салбий баҳо семаси англашилади.

Ушбу ўринда баҳо бериш учун бетараф (нол) кўрсаткичга эга деб олинган равишда ҳам ижобий баҳо ифодалаш имконияти мавжуд эканлигини мантиқан ҳис қиламиз. Уларни "келди" феъл лексемаси билан боғланишидан ҳосил бўлган маъноларини кўриб ўтайлик:

эрта

Саид ишга вақтида келди.

кеч

Саиднинг ишга келишининг ўзида ҳам ижобий баҳо бериш учун асос бор. Чунки инсон бор экан, унинг бирон - бир фойдали меҳнат билан шуғулланиши ижобийлик касб этади. Энди Саиднинг ишга белгиланган вақтдан эрта келишлиги ижобий баҳони кучайтирса, белгиланган вақтдан кеч қолиши эса ижобий баҳони салбий баҳога айлантиришга хизмат қилмоқда. Юқорида айтганимиздек, ишга келишликда, меҳнат билан шуғулланишликда ижобийлик мавжуд экан, унга ўз вақтида, белгиланган муддатда келишлик ҳам Саидга ижобий баҳо беришга ёрдам бермоқда.

Агар изоҳланаётган равиш лексемалар "кетди" ҳаракат маъносини англатувчи феъл лексемаси билан боғланса, унда маъёрий ҳолатнинг бузилиши кўзга ташланади:

эрта

Саид ишдан вақтида кетди.

кеч

Эрта ва кеч кетишлик салбий баҳо берса, вақтида келишлик нейтрал баҳо билан бирга ижобий баҳони ҳам бериш имкониятига эга бўлмоқда.

Демак, равиш лексемалар орқали шахсларга бериладиган баҳонинг ижобий, нейтрал ёки салбий маъно англатиши ўзи боғланиб келаётган сўздан англатилаётган денотатив маъноси билан ҳам боғлиқ бўлар экан.

Мақсад маъносини билдирувчи равиш лексемаларда шахс баҳоси:
атайлаб, жўрттага, қасддан каби.

Инсон бажараётган иш-ҳаракатни ихтиёрий равишда, бирор мақсадни кўзлаб, амалга оширади. Бу мантиқий жиҳатдан ижобий баҳони келтириб чиқаради. Мақсад маъносини англатувчи *жўрттага, атайлаб, атай* равиш лексемалари синонимик қаторни ҳосил қилади. Бошқа синонимларда бўлгани каби қайсидир бир маъно нозиклиги билан ажралиб туриш хусусиятлари ҳам борки, буни қуйидаги мисол орқали кўришимиз мумкин:

Атай сизни кўргани келдим.

Атайлаб сизни кўргани келдим.

Жўрттага сизни кўргани келдим.

Келтирилган мисолдаги *атайин, атайлаб* равиш лексемалари сўзловчининг объектга ижобий муносабатини англатса, жўрттага эса *"гашига тегиши учун"* деган маънони англатиб, салбий баҳо ойдинлашишига олиб келмоқда.

Қасддан лексемаси ҳам мақсад маъносини англатувчи равиш лексема ҳисобланиб, ундаги кўпроқ *адоват, кек, қасос, ўч олиши* каби семалардан бири контекст таркибида юзага чиқади.

Мақсад маъносини ифодаловчи равиш лексемаларда салбий баҳо бериш имконияти кўпроқ эканлиги кўзга ташланади

Сабабни англатувчи равиш лексемаларда шахс баҳоси: *ноилож, чорасиз, қўйганидан, иложсизликдан* каби.

Поезд Тошкентга яқинлашган сари Қундузхоннинг юраги қаттиқроқ ура бошлади. Бундан икки йил аввал шу станциядан унга оқ йўл тилаб қолган она энди йўқ. У ўтган йили баҳорда тузруқхонада ўлган. Қундузхон ноилож вагондан тушди ва қадрдон маҳалласи томон йўл олди...
(С.Аҳмад. Меҳрибон)

Вақт жуда тез ўтарди. У душдан чиқиб артинаётганда ҳам “бу хотин ким, нега мунча меҳрибончилик қилади?” деган савол миясидан нари кетмасди.... Унинг кўзи олдида яна она гавдаланди. Она қизига хомуш термилар, нимадир демоқчи бўлгандек лабларини жуфтлаб турарди. Қундуз кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган ёстикни суриб қўйиб, ўнг ёнбошига ағдарилган эди, деворда, зарҳал рамкадан кулиб қараб турган онасининг суратига кўзи тушди. У чорасиз аҳволда қолган эди.

(С.Аҳмад. Меҳрибон)

Сабаб маъноси ёрдамида баҳо муносабати “ноилож”, “чорасиз” равишлари ёрдамида қаҳрамоннинг салбий ҳолати тасвирланган.

Даража - миқдор равиш лексемаларда шахс баҳоси.

Маълумки, “*тирноқ*” сўзи ҳам полисемантик лексема бўлиб, кўчма маъноларидан бири “фарзанд”дир. Қуйидаги парчада бу сўз асосий ва айни кўчма маъноси билан қўлланган, натижада бу сўз поэтик жиҳатдан актуаллашган:

Дўст, тирноққа зор бўлма, кўрмагил тирноқча гам,

Ҳар йили кўзтуморлар осилсин бешигингга (И.Мирзо, “Рамазон” шеъри).

Берилган парчада “тирноқча” сўзи ёрдамидаги кўчма маънода даража-миқдор равиши мисолида баҳо муносабатини кузатиш мумкин. Биринчи “*тирноққа*” лексемаси “фарзанд” маъносида, иккинчи “*тирноқча*” сўзи даража-миқдор равиши маъносида қўлланган.

Умуман олганда, равишнинг маъно турлари орасида баҳо муносабати ҳолат маъносини англатувчи равишларда кўп учрайди деган хулосага келдик.

3.3. Баҳонинг эстетик функцияси

Ҳаётдаги хилма-хил воқеа-ҳодисаларнинг тагига етиш, турли-туман ҳаракат-ҳолатларга баҳо бериш, катта-кичик тажрибаларни умумлаштириш асосида халқ чиқарган хулосаларнинг ўзига хос образли ифодалари бўлмиш фразеологик иборалар бадиий матнда деярли ҳамиша фаол бўлади. Шунинг учун ҳам иборалардан баҳо ифодалашда фойдаланиш алоҳида ўрин тутди. Иборалардаги образлилик ҳамиша сезилиб турганлигидан, семантик сиғимида коннотация устивор бўлганлигидан сўзга қараганда улар бадиий мазмунга фаолроқ хизмат қилади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *Майли-ю, Ҳамдам Омоннинг жўраси деб, қўйнимга қўл солиб кўрган бўлишим мумкин* (Ш.Холмирзаев, “Омон овчининг ўлими” ҳикояси). *Бакир бу гинахонликка жавобан миқ этмади, кўнглига ҳозир қил ҳам сиғмасди... Чунки уни кўрса, бир дарди иккита бўларди* (Э.Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси). *Ёзнинг чанқогин кўриб, хижолатдан ерга кириб кетган қудуқлар* (Фахриёр, “Сангжумонда ёз манзаралари” шеъри).

Ижодкорлар одатда тасвир мақсадига мувофиқ ибораларни танлаб қўллаш билангина қифояланиб қолмайдилар. Балки қаҳрамонлар табиати, руҳий ҳолати, ҳаёт тарзига мослаб ўзгартирадилар ва қайта ишлайдилар ҳам. Шу тарзда халқ иборалари сайқалланиб, янги маъно нозикликлари билан тўйиниб боради. Шунинг учун ҳам ижодкор томонидан қайта ишланган иборалар бадиий матнда кучли даражада поэтик актуаллашади. Халқ ибораларини қайта ишлашнинг усуллари, уларга янгича ранг ва тус, янгича маъно талқини беришнинг йўллари жуда хилма-хилдир. Улар орасида нибатан кенг тарқалган “умумтил ибораси замиридаги маънонинг янгича талқинини очиш, иборанинг лексик таркибини ўзгартириш ва унинг семантик-стилистик функцияларини кенгайтириш, иборага янгича

мажозий ва образли маънолар киритиш каби усуллар”⁶⁹ни қайд этиш мумкин. Фразеологик ибораларни қайта ишлашнинг турли усуллари Б.Йўлдошев томонидан жуда батафсил ўрганилган.⁷⁰

Бадий матнда иборалар, асосан, қуйидаги усулларда қайта ишланади:

1.Ибора таркибидаги айрим сўзлар алмаштирилади: *Яна уч кун жим туриб берсангиз, мулла минган велосипеддек ювош бўлиб қоласиз* (С.Аҳмад).

Бу гапда *мулла минган эшакдек* иборасидаги *эшакдек* сўзи *велосипеддек* сўзи билан алмаштирилган. Бунинг натижасида ибора кутилмаган оҳор олиб, янгиланган, енгил кулги учун замин бўлган, бадийлик жиҳатидан кучайган. Ёки:

Бир куни газетада чиққан мақоласини кўнгли учун мақтаб қўйгандим, кўчада туриб олиб саҳаргача гапга тутса денг. Қулогимни қоқиб киссамга солиб қўйди. (Х.Дўстмуҳаммад, “Маданиятли киши” ҳикояси). Гапда *қулогини қоқиб қўлига бермоқ* иборасидаги охириги икки сўз *киссасига солиб қўймоқ* бирикмаси билан алмаштирилган, натижада янгиланган ибора кучли поэтик таъкид олган.

2.Ибора таркиби янги бирликлар киритиш ҳисобига кенгайтирилади. Тилда *белни боғламоқ* ибораси мавжуд. Қуйидаги парчада бу ибора янги *беш жойидан* бирикмасини киритиш йўли билан кенгайтирилган, шу тарзда қайта ишланган иборанинг бадий салмоғи сезиларли даражада ортган: *Ахир, сиз билан биз уч-тўрт кунлик ошна-оғайни эмас, қариндошимиз! Шундоқ бўлсин, божабой, ҳа, белни беш жойидан боғлайсиз буёғига* (Э.Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси). Ёки қуйидаги парчада *кўнглига ғашлик солмоқ* ибораси кенгайтирилган ва кучли поэтик актуаллик касб этган: *Кўнглига совуқ бир нима кўланка солиб, Бакир*

⁶⁹ Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 70.

⁷⁰ Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари – Самарқанд, 1999; Йўлдошев Б., Халилов Қ. Шоир Эркин Воҳидовнинг фразеологизм қўллаш маҳорати ҳақида. – Самарқанд, 2007.

гашиланди, бу ердан чиқиб кетгиси келди (Э.Аъзам, “Байрамдан бошқа кунлар” қиссаси).

Мана бу парчада қасам ичмоқ ибораси яхна чойдек сўзи билан кенгайтирилган:

Аввалгидек йил бошида

Йил режасин бичамиз,

“Бажарамиз” қасамини

Яхна чойдек ичамиз (Э.Воҳидов, “Эски ҳаммом, эски тос” шеъри).

3. Ибора таркиби қисқартирилади. Ибора таркибидаги айрим сўзларни тушириб қўллаш нутқий тежамкорлик талаби билан амалга оширилади. Аммо ёзувчилар бундан ўз бадий-эстетик мақсадга кўра фойдаланадилар. Мавжуд қўлини ювиб қўлтигига урмоқ иборасининг маъноси «ихлоси қайтиб, ишонмай қўйиб, диққат-эътибордан соқит қилмоқ» демакдир. Қуйидаги парчада бу иборанинг иккинчи қисми қисқартирилган: уни мана бундай қисқартирилган ҳолда қўллайди: *Ундан кейин, қишлоқ одамларининг шунақа ўзбошимча ҳаракатларига йўл қўйиб берсак, оз вақт ичида қишлоқдан қўл ювишимиз керак бўлади* (Чўлпон, «Кеча ва кундуз» романи).

Бадий матндаги иборалар ўрганилганда аналогия йўли билан ҳосил қилинганларини ҳам учратиш мумкин бўлади. Аналогия йўли билан ясалган иборалар ҳам муаллиф нутқида, ҳам қаҳрамон нутқида баҳо муносабати кузатилади. Қуйидаги мисолда муаллиф комик эффект ҳосил қилиш мақсадида ана шундай иборадан фойдаланган:

- *Ахир, биттаси оппоқ сочи билан менга тегшиди-да! Сочинг оқарса ҳам тиниб ўлмас экансан-да, деса, сочим оқ бўлса ҳам кўнглим қора, дейди.* (А.Қаҳҳор, “Майиз емаган хотин” ҳикояси).

Бу мисолдаги сочим оқ бўлса ҳам кўнглим қора ибораси тилимизда кўп қўлланиладиган ўзим қора бўлсам ҳам кўнглим оқ иборасига аналогия йўли билан ҳосил қилинган. Бу ибора ҳикоя қаҳрамони Мулла

Норқўзининг лисоний лаёқатини, маънавий дунёсини кинояли тарзда тасвирлаб баҳолашга хизмат қилган.

Баъзан ижодкор тилдаги мавжуд иборага ўхшатиб, шундай оригинал иборалар яратадики, улар ўзларининг кутилмаганлиги, парадоксаллиги билан, бадий тасвирдаги ҳолатга уйғунлиги билан таъкидланади. Мана бу мисолдаги янги ибора *миям говлаб кетди, миям ачиб кетди* тарзидаги ибораларга ўхшатиб ясалган: *Ўлай агар, ҳеч вақога тушунмадим! Миямнинг ичи терлаб ҳали-ҳали ўзимга келолмайман...* (Х.Дўстмуҳаммад, “Маданиятли киши” ҳикояси).

Баъзан ижодкор иборани матнга шундай олиб кирадики, иборанинг етакчи компоненти билан бошқа бир мустақил сўз айнан бир хил бўлади, бунда тегишли ҳолат тасвиридаги зидлик бадий мазмунни янада бўрттиради. Масалан, *бош(и)га етмоқ* ибораси матнда қўлланар экан, мустақил маънодаги *етмоқ* сўзи билан алоқалантирилади, натижада иборанинг бадий маъноси янада кенгайиб, поэтик таъкид олади:

*Мен сени гуноҳкор этмасман,
суярман, куярман, бошимга
етар ишқ, мен сенга етмасман* (Фахриёр).

Ижодкорлар етакчи компонентлари бир хил бўлган ибораларни баъзан бадий матнда ёнма-ён қўллаш орқали ҳам уларни поэтик актуаллаштирадilar. Қуйидаги мисолда буни кўриш мумкин:

*Кимга аза очмишсан, гулим,
менга қўнглинг очмассан нечун?* (Фахриёр, “Намозшомгул” шеъри)

Ана шундай етакчи компонентлари бир хил бўлган икки ибора бадий матнга олиб кирилар экан, мазкур бир хил компонентларни бир марта қўллаш орқали ҳам мақсадга эришиш мумкин. Масалан, бадий матнда *суяги қотмоқ* ва *дийдаси қотмоқ* ибораларидаги *қотмоқ* етакчи компонентининг бир марта қўлланиши, яъни *суяги* ва *дийдаси* сўзларининг

одатдаги уюшиқ бўлақлардек бу икки иборанинг ҳам алоҳида салмоқ олишини таъминлайди. Мисол:

Шаҳар менга кўп нарсани ўргатди,

Ҳаммасини санаб, айтиб бўлмайди.

Шу ерда суягим ва дийдам қотди,

Энди қишлоққа ҳам қайтиб бўлмайди (И.Мирзо, “Саратон” шеъри).

Айрим ҳолларда ибора бадий матнга ҳам турғун бирикма сифатида, ҳам эркин, яъни сўз бирикмаси сифатида киритилади, иборанинг эркин сўз бирикмаси сифатида ҳам идрок этилишини контекстдаги тегишли сўзлар очикча кўрсатиб туради. Бунда ҳам ибора, ҳам шу шаклдаги сўз бирикмаси кучли поэтик таъкид олади, диққатни ушлаб турадиган оригинал сўз ўйини юзага келади, бу, албатта, эстетик таъсирга куч беради. Масалан, *гуноҳини ювмоқ* ибораси қуйидаги парчада ана шундай қўлланган:

Гуноҳларинг ювасан

ва осиб қўясан байроқчалардай

қуритмоқ учун дорга (Фахриёр, “Мучал ёши” шеъри).

Бадий асарда қўлланилган ибораларни ўрганишда бир асар доирасидаги фраземалар миқдорини (фондини) аниқлаш ва характерли хусусиятларига қараб таснифлаш, уларни структурал-семантик жиҳатдан тавсифлаш ҳамда матндаги вазифасини текшириш лингвопоэтик таҳлил талабларидан ҳисобланади. Ана шундай таҳлилда ёзувчининг имконият сифатида мавжуд бўлган тил бирликларидан фойдаланиш маҳорати ҳам намоён бўлади. Бунда қаҳрамонларнинг у ёки бу ҳолатдаги ҳаракатларида иборадан фойдаланган ҳолда баҳо бериш ҳар қандай ишнинг эстетик қийматини оширади.

Боб бўйича хулоса

1. Лисоний баҳо билан мантиқий баҳо ҳар доим ҳам тўғри келавермайди. Шунинг учун баҳонинг бундай мутаносиблигини прагматик жиҳатдан очиб бериш тўғри хулоса чиқаришга олиб келади

2. Баҳонинг энг кўп тарқалгани бу лексик бирликлар орқали ифодаланиш ҳисобланади. Бу ҳолат мустақил сўз туркумларидан феъл ва равишда ҳам мавжуд бўлиб, баҳо ўзига хос мантиқий қуршов асосида юзага чиқади.

3. Равиш лексемаларда шахс баҳосининг ифодаланиши унинг маъно турлари ёрдамида қуйидаги кўринишларида мавжуд.

4. Равишнинг маъно турлари орасида баҳо муносабати ҳолат маъносини англатувчи равишларда кўп учрайди деган хулосага келдик.

5. Жамиятдаги у ёки бу ҳаракат-ҳолатларга баҳо беришда фразеологик иборалар ҳамиша фаол бўлади ва ҳамиша инсонга эстетик завқ беради. Шунинг учун ҳам иборалардан баҳо ифодалашда фойдаланиш алоҳида аҳамиятли. Ижобий ёки салбий баҳо беришда иборалардаги образлилик ҳамиша сезилиб турганлигидан сўзга қараганда улар бадий мазмунга фаолроқ хизмат қилади .

6. Бадий матнда баҳо муносабатининг эстетик функцияси иборалар воситасида яққолроқ намоён бўлади, асосан, қуйидаги усулларда қайта ишланади:

1.Ибора таркибидаги айрим сўзлар алмаштирилади.

2. Ибора таркиби янги бирликлар киритиш ҳисобига кенгайтирилади.

3. Ибора таркиби қискартирилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Инсон нутқи кимга ёки нимага қаратилганлиги, қандай ният билан содир этилганлиги масаласи тилни мантикий нуктаи назардан ўрганиш ва баҳо бериш билан чамбарчас боғлиқдир. Илмий адабиётларда “баҳо” тушунчаси, баҳонинг тил табиати ва типлари, баҳо мақомининг лингвистик категориялари масалаларининг ҳажми ва мазмунини ўрганиш анча фаол йўлга қўйилмоқда. Баҳонинг ҳам мантикий, ҳам грамматик категория сифатида тадқиқ этиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди.

1.Аксиологик баҳо масаласи фалсафий категория ҳисобланади. Унинг ҳам фалсафий, ҳам лингвистик категория сифатида намоён бўлишини исботлаб бериш ҳозирги кунда тилшунослик фани олдида турган энг долзарб масалалардан бири саналади.

2.Баҳо маъноси объект ва субъект муносабатлари асосида юзага чиқади, яъни сўзловчи (субъект) объектдан таъсирланса ёки унга ўз муносабатини билдириш истаги туғилса, у ўз фикрини баён қилади. Натижада баҳо муносабати юзага чиқади. Баҳонинг белгиси объектга боғлиқ бўлиб, шу асосда ижобий, бетараф, салбий муносабатлардан бири ойдинлашади.

3. Баҳо тил ва нутқ бўлинишда объектив баҳо ҳамда субъектив баҳо бўлиб ажралади. Тилда объектив баҳо бўлса, нутқда субъектив баҳо бўлади.

4. Инсоннинг барча турдаги фаолияти, ижтимоий муносабатлари ва унинг таркибига кирувчи барча ҳолатлар баҳо предметини ташкил этади. Ҳар қандай баҳода ўзига хос қиймат (оқ ва қора, яхши ва ёмон, ҳақиқат ва ёлғон, тўғри ёки нотўғри) лар ифодаланади.

5. Баён этувчи томонидан қўлланилаётган тилнинг ранг - баранг воситаларидан фойдаланиб, шуни таъкидлаш лозимки, баҳолаш

фикрларни ажратиб олишда асосий саналиб, лексик мазмунига эга синтактик тузилма эмас, балки фикрнинг коммуникатив мақсади, унинг мазмун масаласи ҳисобланади.

6. Баҳо лексеманинг денотатив маъносида ҳам, коннотатив маъносида ҳам мавжуд бўлади. Баҳонинг денотат таркибида бўлиши объектив баҳони юзага келтиради. Коннотатив маънода юзага келган баҳо субъектив баҳони ташкил этади.

7. Шахс баҳосини ифодалаш барча мустақил сўз туркумларида мавжуд бўлиб, баҳо ўзига хос мантикий қуршов асосида юзага чиқади.

8. Лексеманинг мазмун жиҳатида асосий ҳодиса - лексик маъно; баҳо семаси асосан уч хил ифодаланади: 1) морфема ёрдамида; 2) лексеманинг ўзи билан; 3) контекст ёрдамида.

9. Баҳо семасини ифодалашда сўз туркумларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Баҳо кўпроқ белги билдирувчи лексемаларда учрайди, лекин предмет, ҳаракат, ҳолат маъносини англатувчи лексемаларда ҳам мавжуд. Баҳо муносабатини кенг маънода барча туркумлар доирасида ифодаланишини ҳисобга олиб, уни кенг тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

10. Баҳо тушунчаси эмоционаллик ва экспрессивлик ичида намоён бўлади. Тилдаги ижобийлик ва салбийлик кишининг руҳий ҳолатига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам эмоционал-экспрессив луғавий бирликлар ижобий эмоционал-экспрессив, салбий эмоционал-экспрессив баҳо маъносини ифодалаб келади.

11. Мусбат баҳо муносабати кўп ҳолларда шахснинг ҳолатга муносабатини ифодалаб келса, манфий баҳо объектнинг асоси ва ҳаракати муносабатини билдириб келади.

12. Умуман олганда, баҳо ҳар бир объект ҳақидаги кишининг турли муносабатларидан иборатдир. Обьектив маъно ифодаловчи барча

сифатларда баҳо муносабати намоён бўлади. Предметнинг баҳо тушунчаси объектив борликда ўша нарсанинг қийматига қараб ўлчанар экан, агар унинг хусусияти керакли, зарурий, умумий талабга жавоб берадиган бўлса, у ижобий баҳо маъносини билдиради, аксинча бўлса, салбий баҳо ифодалайди.

13. Жамиятдаги у ёки бу ҳаракат-ҳолатларга баҳо бериш, катта-кичик тажрибаларни умумлаштириш асосида халқ чиқарган хулосаларнинг ўзига хос образли ифодалари бўлмиш фразеологик ибораларнинг эстетик функцияси ҳамиша фаол бўлади. Шунинг учун ҳам иборалардан баҳо ифодалашда фойдаланиш алоҳида ўрин тутади. Ижобий ёки салбий баҳо беришда иборалардаги образлилик ҳамиша сезилиб турганлигидан сўзга қараганда улар бадиий мазмунга фаолроқ хизмат қилади .

14. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, баҳо семасининг ифодаланиши билан воқеликка ижобий ёки салбий муносабат ифодаланилади. Ўзбек тилида морфологик усул билан воқеликка ижобий муносабат билдирилади. Лексик ифодаланишда эса, ижобий муносабат ҳам, салбий муносабат ҳам билдирилади. Контекстуал усулда, одатда, воқеликка салбий муносабат билдирилади. Агар ижобий ёки салбий муносабат билдирилмаган ҳолларга нисбатан бетараф баҳо ҳақида гапирилади. Лексемаларнинг асосий қисми баҳо семаси жиҳатидан бетараф бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.,Маънавият,2008. Б.173.
2. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.,“Ўзбекистон”, 2012. 80-бет
3. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши.- Т.: Фан, 1983. —Б.29.
4. Арутюнова Н.Д. Об объекте общей оценки // Вопросы языкознания. - 1985. - №3. - С. 13-14.
5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М, 1964. - С.524.
6. Баранов А.Н.Аксиологические стратегии в структуре языка//Вопросы языкознания.-1989.-№3,стр75,74-90С.
7. Близнюк Н.А. Понятие и структура оценки в системе языка:межвуз.сб.науч.тр./Сургут гос.ун-т. –Сургут,2001. 84-87С.
8. Блох М.Я. Структура и семантика оценочной конструкции. МГПИ.
– М,1986, стр.14-23С.
9. Виноградов В.В. О категории модальности и модальных слова в русском языке. - М., 1961. -С.310.
10. Вольф Е.М. Оценочное значение и соотношение признаков "хорошо / плохо" // Вопросы языкознания. - 1986. -№5. -С.98.
11. Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. –М.: Наука, 1985.
12. Галкина-Федорук Е.М. Об экспрессивности и эмоциональности // Актуальные вопросы лексикологии и словообразования. Вып. V. - Новосибирск: НГУ, 1976. - С.6.
13. Егорова И.В. Функционирование модуса субъективной оценки в косвенных речевых актах: сб.науч.тр./Пермский гос.пед.ун-т. Перм,2004.стр.28, 27-30 С.

14. Ибрагимова Э. Лингвистик баҳо – аксиологик тадқиқот объекти сифатида. ФДУ Хабарлари. 2011, №3
15. Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодалашнинг усул ҳамда воситалари. Филол. фанлари номз... автореф. -Т., 2002.
16. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (Шахс микромайдони): Филол. фанлари д-ри ... автореф. -Т., 1999.
17. Касторнова О.Н. К вопросу о разграничении оценочности и эмоциональности в высказываниях со словами категории оценки /Иркутский гос.пед.лингв. ун-т. – Иркутск, 2005, 123,120-124 с.
18. Кремих И.И. Оценка в лексической семантике. –М.: МГПУ, 1986, стр.20, С.34.
19. Лукянова Н.А. Соотнашение понятие экспрессивность, эмоциональность, оценочность. Новосибирск: НГУ, 1979, с.29;
20. Майцук М.П. Семантический поля со значением интерпретации оценки // Принципиальные вопросы теории знаний. Учёные записки Тартуского госуниверситета. - Тарту, 1984. -С.70.
21. Мамадалиева М.А. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. Филол. фанлари номзоди ... дис. авторф. — Т., 1998
22. Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. —Т.: Фан, 1991.
23. Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд.- Т., 2012, 345-б.
24. Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. — Андижон, 1980. — Б. 52.
25. Нурмонов А. Тилшунослигимиз яловбардори. - Т., 2012. 30-б.
26. Платонова С.И. Средства и приёмы лексической экспрессии. Автореф. дисс. канд. наук. –Якутск, 1969, с.9.
27. Платонова С.И. Средства и приемы лексической экспрессии (Сибирских рассказах В.Г. Короленко): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Якутск, 1969.-С.

28. Расулов Р. Ижобий муносабат ифодаловчи рухий ҳолат феллари ҳақида.//Тил ва адабиёт таълими.-2003№1 Б.27-31.
29. Санаева И. В.Аксиологический аспект языковой картины мира в романе Л.Н. Толстого «война и мир» (дихотомия «добро – зло»).
30. Сергеева Л.А. Прилагательные со значением общей оценки в современном русском языке// Семантика и структура предложения. - Уфа, 1978. -С.41.
31. Собиров А.Ш. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол. Фан. д — ри дис. ... автореф. — Т., 2005.
32. Собиров А.Ш. Узбек тилининг лексик сатҳини системалар системиси тамойили асосида тадқиқ қилиш.-Т.: Маънавият,2004.-Б. 107.
33. СтариковаЕ.Н., Колесник С.Н. К вопросу о категории оценки в языке//Вестник Киевского университета. Романо-германская филология. -1988.-Вып.22.стр.58, 56-59С.
34. Таджиев Е. Аффиксальная синонимия в узбекском языке. Автореф.дис...д-ра.филол.наук. -Т., 1992.45с.
35. Тоҳиров З.Т. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фанлари номзоди ... дис. авторф. — Т., 1994.
36. Уфинцева А.А. Лексическое значение. - М., 1986. —С.114
37. Хидикель С.С., Кашель Г.Г. Природа и характер языковых оценок // Лексические и грамматические компоненты в семантике языкового знака. - Воронеж, 1983. -С. 14-24.
38. Шмелёва А. А. Оценочность в прагмасемантике высказывания/ / Бирский гос.пед.ин-т.-Бирск, 2004. Стр.112, 109-114с.
39. Юлдашев М. М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи, филол. фан. док.-ри дисс. Автореф., - Т., – 2008.
40. Ўзбек тили грамматикаси. — Т.: Фан, 1975. I том.
41. Ўзбек тили грамматикаси. — Т.: Фан, 1975. II том.
42. Ўзбек тилининг изоҳли лутати. 2 томли. Т.1, 2, —М.: Рус тили, 1981

43. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Морфология) / Коллектив. — Т.: Янги аср авлоди, 2001. — Б. 164.
44. Қамбаров Ғ. С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фан.номз. дисс.автореф. —Т., 2008, 3-б.,Б.26.
45. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. —Т.: Фан, 1980.
46. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. — Т.: Фан, 1980.
47. Гуломов А. Феъл. —Т.,1947.
48. Гуломов А., Ҳожиёв А. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида.//Ўзбек тили ва адабиёти,-1978,№1. Б.3-6
49. Ҳадятуллаев Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. — . 1969. -2-сон. -Б.62-64.
50. Ҳожиёв А. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. — 1978. — 1 — сон. —Б. 3 — 6.
51. Ҳожиёва Ҳ.Я. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний — нуқий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. — Самарқанд, 2001
52. Ҳозирги ўзбек адабий тили / Коллектив. — Т.: Ўқитувчи, 1980.